

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MOЛИЯ BAZIRINING
BUYRUGHI

593 Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ 2017 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 22 ноябрь,
88-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2016 йил 22 ноябрдаги
88-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ягона ғазна ҳисобварағини (бундан буён матнда ЯҒХ деб юритилади) қўллаш орқали Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетлари (бундан буён матнда бюджет тизими бюджетлари деб юрити-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

лади), шунингдек бошқа мақсадли жамғармалар бюджетларининг (бундан буён матнда БМЖ деб юритилади) махфий хусусиятга эга бўлмаган даромад ва харажатларининг газна ижросини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

БМЖ — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси;

БМЖ бюджетидан маблағлар олувчи — қонун ҳужжатларига мувофиқ БМЖ бюджетидан маблағлар оладиган юридик ёки жисмоний шахс;

БМЖ тақсимловчи орган — қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ва бошқа ваколатларни амалга оширувчи БМЖни бошқариш учун масъул бўлган орган;

ваколатли шахс — вазначилик бўлинмасининг таркибий бўлинмаси, бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи, БМЖ бюджетидан маблағ олувчи ва тақсимловчи орган раҳбари ёки уни ўрнини босувчи, тегишли раҳбарлик вазифалари ва функцияларини бажариш юклатилган шахс;

давлат харидлари — бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари;

Давлат мақсадли жамғармаларини (бундан буён матнда ДМЖ деб юритилади) тақсимловчи орган — қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ва бошқа ваколатларни амалга оширувчи ДМЖ бошқариш учун масъул бўлган орган;

капитал қўйилма буюртмачиси — бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи, ДМЖ ва БМЖ бюджетларидан маблағ олувчи ва тақсимловчи органнинг ягона буюртмачи хизмати;

масъул ходим — зиммасига тегишли хизмат вазифалари ва функцияларни бажариш юклатилган ходим;

молиявий мажбуриятлар — бюджет ташкилотларида ва бюджет маблағлари олувчиларда, шунингдек БМЖ бюджетидан маблағ олувчиларда уларга пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар, шу жумладан, ижро ҳужжатлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар;

буюртмачи — бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчи;

юрidik мажбуриятлар — тузилган шартномалар, шунингдек тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлари асосида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, шунингдек БМЖ бюджетидан маблағ олувчиларда юзага келадиган мажбуриятлар;

«ЎРМВ» АТ — тегишли бюджетларнинг бюджет жараёнини комплекс автоматлаштириш, шу жумладан бюджет тизими бюджетлари ва БМЖ бюд-

жетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган ахборот тизими;

«UzASBO» ДМ — бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуа.

2. Мазкур Қоидаларнинг амал қилиши бюджет тизими бюджетлари ва БМЖ бюджетларининг газна ижроси жараёнида иштирок этувчи Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари, газначилик бўлинмалари ва буюртмачиларга татбиқ этилади.

3. Газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган юридик мажбуриятлар, шунингдек уларга ўзгартириш ва қўшимчалар улар газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг кучга киради. Бунда юридик мажбуриятлар юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказиш учун жорий молия йилининг 25 декабридан кечиктирмай тақдим қилинади.

4. Буюртмачиларнинг I ва II гуруҳ бўйича харажатлар тўлови биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда I гуруҳ харажатларини II гуруҳ харажатлари тўловисиз амалга ошириш тақиқланади (иш ҳақи учун олинган аванслардан ташқари). Тегишли бюджетда I ва II гуруҳ харажатлари тўлови учун зарур маблағларни қоплайдиган қолдиқлар мавжуд бўлганда, I ва II гуруҳ харажатларини тўлиқ амалга оширган ташкилотлар бўйича III ва IV гуруҳ харажатларини амалга оширишга рухсат этилади.

5. IV гуруҳ бўйича маблағларнинг сарфланиши белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

озик-овқат ва дори-дармон;

коммунал хизматлар;

ёнилғи ва ёқилғи-мойлаш материаллари;

бошқа харажатлар.

Бунда IV гуруҳ ҳисобидан амалга ошириладиган қуйидаги харажатлар I гуруҳ тўловларга тенглаштирилади ва I гуруҳ харажатларига белгиланган муддатларда тўланиши мумкин:

пул шаклидаги ижтимоий ёрдам нафақалари;

етим болаларга ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга нафақалар;

натура шаклидаги ижтимоий ёрдам нафақалари;

ёлғиз қариялар учун озиқ-овқат сотиб олиш харажатлари.

6. Давлат харидларини амалга оширилиши ва уларнинг яқунлари тўғрисидаги эълонлар буюртмачилар томонидан махсус ахборот порталида (Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг махсус веб-сайтида) жойлаштирилиши керак. Бунда давлат харидларини амалга оширилиши тўғрисидаги эълонлар махсус ахборот порталида ушбу харидлар амалга оширилишидан камида ўн кун олдин ва жорий молия йилининг 10 декабридан кечикмаган муддатда жойлаштирилиши лозим.

7. Газначилик бўлинмалари мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-илваларига

мувофиқ шаклдаги тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари асосида тўловларни амалга оширади.

Бунда «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини қоғоз шаклда расмийлаштиргандан сўнг уларни «UzASBO» ДМга киритади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига электрон шаклини юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган электрон тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларининг қоғоз кўринишдаги асли ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва буюртмачиларда сақланади. Тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларининг қоғоз ва электрон шаклда расмийлаштирилиши, улардаги маълумотларнинг тўғрилиги, ўзаро мувофиқлиги ва аслининг сақланиши учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.

8. Харажатларни тўлашга тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари ғазначилик бўлинмаларига тўлов амалга ошириладиган санадан кечи билан бир иш куни олдин тақдим этилади. Буюртмачилар электрон тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини ғазначилик бўлинмаларига «UzASBO» ДМ орқали тўловни амалга ошириш кунда юбориши мумкин.

Бунда ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари ўн кун муддатгача амал қилади.

9. Буюртмачилар ғазначилик бўлинмаларидан тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларидан кўчирмалар ва уларга иловаларни олади.

Бунда «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар кўчирмаларни электрон хужжат кўринишида «UzASBO» ДМдан олади ва электрон тарзда тақдим қилинган кўчирмалар буюртмачиларга қоғоз кўринишида тақдим этилмайди.

10. ЯФХ билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириш ғазначилик бўлинмалари томонидан уларнинг банк ҳисобварақларига мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда Молия вазирлигининг соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бошқармаси томонидан тақдим қилинадиган Бюджет маблағларини ўтказиш (сўзсиз ундириш) учун сўровномага асосан ЯФХдан амалга оширилади.

11. ЯФХ орқали хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар молиявий ҳисоботларни юқори турувчи ташкилотларга, бюджет маблағлари тақсимловчиларига ва ҳудудий молия органларига тақдим қилишдан олдин молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини тегишли ҳисобот даврида ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилган касса харажатларига мувофиқлигини уларга хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлинмалари билан солиштиради. Буюртмачиларнинг ҳисоботлари тўғри бўлганда улар белгиланган шаклдаги штамп қўйилган ҳолда ғазначилик бўлинмаларининг бюджет ҳисоби бўйича ваколатли ходимлари томонидан имзоланади.

Бунда «UzASBO» ДМ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган электрон молиявий ҳисо-

ботларининг қоғоз кўринишдаги асли ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва ғазначилик бўлинмаларининг штампи ва имзоси билан тасдиқланмайди. Электрон молиявий ҳисоботларининг расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.

12. Буюртмачи раҳбарининг буйруғи билан ғазначилик бўлинмаси билан ишлаш учун буюртмачининг мазкур Қоидалар талаблари билан таништирилган масъул ходимлари белгиланади. Буюртмачининг ушбу буйруғининг нусхаси тегишли ғазначилик бўлинмасига буюртмачининг кузатуви хати билан тақдим қилинади.

13. Бюджет ташкилотлари томонидан ташқи қарзларнинг жалб қилиниши, ссуда ва кредитлар олиниши, шунингдек бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига лизинг шартномаларини тузиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2-боб. ЯҒҲ ва бошқа ғазна ҳисобварақлари

14. ЯҒҲ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган ва Молия вазирлиги томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи ҳисобланади. Молия вазирлиги (ғазначилик бўлинмалари) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва бошқа банкларда ўзга банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади), ДМЖ ва БМЖ бюджетларига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ЯҒҲга кириш қилинади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ мос равишда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, Тошкент шаҳар ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари, ДМЖ ва БМЖ бюджетлари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ЯҒҲга кириш қилинади ва мазкур ташкилотларга тушумлар сифатида акс эттирилади.

16. Бюджет тизими ва БМЖ бюджетлари харажатлари ЯҒҲ ёки Молия вазирлигининг (ғазначилик бўлинмаларининг) бошқа банк ҳисобварақларидан Молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда ҳамда:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетлари;

ДМЖ ва БМЖ бюджетлари;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари қолдиғи доирасида амалга оширилади.

17. Дебитор қарздорлик суммалари, шунингдек депонентланган маблағлар ЯҒҲга:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларининг бюджет

маблағлари бўйича — жорий молия йилида ҳамда молия йилига қўшимча давр мобайнида;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва БМЖ маблағлари бўйича — жорий молия йилида тегишли касса харажатларини тиклаш орқали кирим қилинади.

18. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга жорий молия йилида қайтарилган ўтган йилларнинг бюджет маблағлари бўйича дебитор қарздорликлари суммаларини кирим қилиш учун «ЎРМВ» АТда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича (4004 маблағлар манбаси билан) шахсий фазна ҳисобварақлари очилади.

19. Буюртмачиларнинг жорий молия йилида қайтарилган ўтган йилларнинг дебитор қарздорлик суммалари ЯФХга кирим қилинади ва:

бюджет маблағлари бўйича — бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ўтган йилларнинг дебиторлик қарздорлигини ҳисобга олиш бўйича бюджетдан ташқари шахсий фазна ҳисобварақларида ушбу суммаларни кейинчалик тегишли бюджетларнинг жорий молия йили даромадига ўтказиш билан;

ДМЖ ва БМЖ маблағлари бўйича — ДМЖ ва БМЖ бюджетларининг тегишли шахсий фазна ҳисобварақларида жорий молия йилининг даромадлари сифатида;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича — бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тегишли шахсий фазна ҳисобварақларида жорий молия йилининг даромадлари сифатида ҳисобга олинади.

20. Жорий молия йилида қайтарилган ўтган йилларнинг бюджет маблағлари бўйича дебитор қарздорликлари суммалари бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий фазна ҳисобварақига келиб тушган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан тегишли бюджет даромадига ўтказилиши лозим.

Дебитор қарздорликлар суммалари қолдиқлари ўз вақтида ёки ҳисобот ойи тугагунига қадар ўтказилмаган ҳолларда жорий ойнинг охириги иш кунидан фазначилик бўлинмалари ушбу маблағларни мустақил равишда тегишли бюджетлар даромадларига ўтказилади.

21. Бюджет ташкилотларнинг товар-моддий қимматликларини ёки асосий воситаларини сотишдан, шунингдек инвентаризация (текширишлар) натижалари бўйича тушган маблағлар ЯФХга кирим қилинади ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича тегишли шахсий фазна ҳисобварақларида кейинчалик бюджет ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта тақсимлаш орқали ҳисобга олинади.

22. ДМЖ ёки БМЖ бюджетларидан маблағ олувчиларнинг жорий молия йилида қайтарилган ўтган йилларнинг дебитор қарздорлик суммалари, шунингдек товар-моддий қимматликларини ёки асосий воситаларни сотишдан ва инвентаризация (текширишлар) натижалари бўйича тушган маблағлари ЯФХга кирим қилинади ва тегишли ДМЖ ва БМЖ бюджетларида жорий молия йилининг даромади сифатида ҳисобга олинади.

Бунда ДМЖ ёки БМЖ бюджетларидан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинган товар-моддий қимматликларини ёки асосий воситаларини сотишдан тушган маблағлар тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади.

23. Ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўланган дарсликлар ижара тўловлари ва дарсликлар ёки ўқув-методик қўлланмаларни йўқотилганлик ёки яроқсиз ҳолга келтирилганлик учун тўловлар бўйича тушумларнинг кирим қилиниши, шунингдек уларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилиши таълим муассасаларининг тегишли (4011 маблағлар манбаси билан) шахсий ғазна ҳисобварақларидан амалга оширилади.

Таълим муассасаларининг тегишли (4011 маблағлар манбаси билан) шахсий ғазна ҳисобварақларидан маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилиши «ЎРМВ» АТда автоматлаштирилган равишда амалга оширилиши мумкин.

24. Нақд пул маблағларини олиш учун, шу жумладан буюртмачиларнинг ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек хизмат сафари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа нақд пул шаклидаги тўловлар учун ғазначилик бўлинмалари томонидан тижорат банкларида мос равишда 23212 «Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари» ва 23214 «Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари» ҳисобварақлари очилади.

25. Ғазначилик бўлинмаларининг 23212 «Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари» ва 23214 «Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари» ҳисобварақларидан кўчирмалар уларга иловалар билан хизмат кўрсатувчи банклардан ғазначилик бўлинмалари томонидан мазкур ҳисобварақларда маблағлар ҳаракатининг кейинги иш кунда олинади. Кўчирмалар ва уларга иловалар тегишли банклар томонидан электрон ҳужжат кўринишида — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот тизими (тижорат банклари) ва «ЎРМВ» АТ маълумотлар базалари ўртасида маълумот алмашиш йўли билан тақдим қилиниши мумкин.

Бунда электрон тарзда тақдим қилинган кўчирмалар ва уларга иловалар қоғоз кўринишида ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди.

26. Бюджет тизими бюджетлари, шунингдек БМЖ бюджетлари даромадларига кирим қилиш учун асос бўлмаган ЯҒҲга келиб тушган маблағлар ғазначилик бўлинмалари томонидан аниқланмаган тушумлар сифатида қабул қилинади. Агар уч иш куни мобайнида ушбу тушумларни аниқлаш ҳамда уларни тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларга кирим қилиш имкони бўлмаса, ғазначилик бўлинмалари уларни учинчи иш кунда, бироқ жорий йилнинг 31 декабридан кечиктирмасдан мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Ягона ғазна ҳисобварағидан тўланиши (қайтарилиши) лозим бўлган аниқланмаган тушумлар бўйича электрон тўлов топшириқномалари реестри асосида «ЎРМВ» АТда электрон тўлов ҳужжатини шакллантириш

орқали маблағлар қайси банк ҳисоб рақамларидан ўтказиб берилган бўлса шу банк ҳисоб рақамларига қайтаради.

27. ЯФХдан тўловларни ўтказиш учун «Банк-Ғазначилик» дастурий мажмуаси орқали юборилган тўлов топшириқномаларининг асли Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этилмайди ва ғазначилик бўлинмаларида сақланади, бундан «UzASBO» ДМ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган электрон тўлов топшириқномалари мустасно.

**3-боб. «ЎРМВ» АТда даромадлар ва харажатлар
ёйилмасини шакллантириш ва рўйхатга олинган харажатлар
сметалари ва келгусида уларга ўзгартиришлар бўйича
маълумотларни киритиш**

28. Даромадлар прогнозлари, тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар, ДМЖ ва БМЖ бюджетлари ҳисобини юритиш учун Молия вазирлигининг соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари ва туман (шаҳар) молия бўлимлари, ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органлари томонидан «ЎРМВ» АТда қуйидагилар шакллантирилади:

тегишли бюджетлар тасдиқлангунига қадар — биринчи чорак учун ойлар кесимида вақтинчалик харажатлар ёйилмалари;

бюджетлар тасдиқланганидан сўнг — ойлар кесимида даромадлар ва харажатларнинг йиллик ёйилмалари.

29. Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари «ЎРМВ» АТга қуйидаги маълумотларни киритади:

а) бюджет маблағлари бўйича:

харажатлар сметалари Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларида рўйхатга олингунига қадар — биринчи чорак учун ойлар кесимида тегишли молия органларида рўйхатга олинган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг вақтинчалик харажатлар сметалари маълумотларини;

харажатлар сметалари Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларида рўйхатга олинганидан сўнг — ойлар кесимида тегишли молия органларида рўйхатга олинган харажатлар сметалари ва уларга ўзгартиришлар, шунингдек бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тасарруфидаги бюджет ташкилотларининг рўйхатга олинган харажатлар сметалари ва уларга ўзгартиришлар бўйича маълумотларни;

б) бюджет ташкилотларининг тегишли бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича — бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда уларга ўзгартиришлар бўйича маълумотларни.

30. ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органлар «ЎРМВ» АТга қуйидаги маълумотларни киритади:

харажатлар сметалари рўйхатга олингунига қадар — биринчи чорак учун

ойлар кесимида тегишли ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органлари томонидан рўйхатга олинган вақтинчалик харажатлар сметалари маълумотларини;

харажатлар сметалари рўйхатга олинганидан сўнг — ойлар кесимида тегишли ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органлари томонидан рўйхатга олинган харажатлар сметалари ва уларга ўзгартиришлар бўйича маълумотларни.

4-боб. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси

31. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачилари томонидан, дастлаб уларга шахсий ғазна ҳисобварақлари очилганида ҳамда кейинчалик доимий равишда молия йили бошланишидан камида беш иш куни олдин ҳар молия йили учун мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда уч асл нусхада тузилади ва тегишли ғазначилик бўлинмаларига икки асли тақдим қилинади. Карточканинг бир асли юридик мажбуриятларни рўйхатга олувчи масъул ходимда, иккинчи асли эса молиявий мажбуриятларни рўйхатга олувчи ва харажатлар тўловини амалга оширувчи масъул ходимда сақланади. Карточканинг учинчи асли буюртмачи ёки капитал қўйилма буюртмачисиди қолади.

Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачиларининг юқори турувчи ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

Агар буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачиларининг юқори турувчи ташкилоти бўлмаса, унда имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси мазкур буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачиларининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

32. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасининг орқа томонида буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачиларининг шахсий ғазна ҳисобварақлари рақамлари ва номлари кўрсатилади.

33. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасига буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачиларининг раҳбари, бош бухгалтери ва унинг ўринбосари, шунингдек юрисконсулт (юрист) ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахсларнинг имзолари намуналари киритилади ва буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачиларининг муҳр изи билан тасдиқланади. Агар буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачиларида юрисконсулт (юрист) штати мавжуд бўлмаса, унинг имзоси бўлиши талаб қилинмайди.

34. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасидаги имзолар намуналари тегишли ходимларнинг ўз қўллари билан қўйилган бўлиши лозим. Имзолар намуналари факсимиле орқали қўйилишига йўл қўйилмайди.

35. Биринчи имзо ҳуқуқи бош бухгалтерга ёки иккинчи имзо ҳуқуқига эга бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

Буюртмачиларда бухгалтер лавозими бўлмаганда имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасининг иккинчи имзо қаторида «Назарда тutilмаган» ёзуви кўрсатилади.

36. Шахсларга вақтинчалик биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқи берил-

ганда, шунингдек раҳбар томонидан ваколат берилган шахслардан бири вақтинчалик алмаштирилганда вақтинча ваколатга эга бўлган шахснинг имзо намунаси бўлган карточка, амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда уч асл нусхада тузилади ва тегишли ғазначилик бўлинмаларига икки асли тақдим қилинади. Вақтинчалик карточка мазкур Қоидаларнинг 31-бандида белгиланган тартибда тасдиқланади. Вақтинчалик карточканинг биринчи асли юридик мажбуриятларни рўйхатга олувчи масъул ходимда, иккинчи асли эса молиявий мажбуриятларни рўйхатга олувчи ва харажатлар тўловини амалга оширувчи масъул ходимда сақланади. Карточканинг учинчи асли буюртмачи ёки капитал қўйилма буюртмачисига қолади.

37. Буюртмачи ёки капитал қўйилма буюртмачисининг имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасида акс этирилган муҳр ўзгарганда, имзолардан бири алмашганда ёки тўлдирилганда, мазкур буюртмачи ёки капитал қўйилма буюртмачиси тасдиқланган янги имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасини тақдим этади. Амал қилиш муддати тугаган имзолар намуналари ва муҳр изи карточкалари ғазначилик бўлинмасида сақланади.

38. Ғазначилик бўлинмалари имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасидан буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачиларининг юридик ва молиявий мажбуриятларини рўйхатдан ўтказишда ва ҳисобга олишда, шунингдек тўловларни амалга оширишда улардаги имзолар ва муҳр изини имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасида кўрсатилган имзолар ва муҳр изи намуналарига солиштиришда фойдаланади.

Бунда буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачиларининг ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган юридик ва молиявий мажбуриятларини тасдиқловчи ҳужжатлардаги имзолар ва муҳр изининг ҳақиқийлигига буюртмачилар ва капитал қўйилма буюртмачилари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари жавобгардир.

5-боб. Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг ғазна ижроси

39. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети ва ДМЖ бюджетлари даромадларининг ғазна ижроси Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2771, 2016 йил 30 март) мувофиқ амалга оширилади.

40. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ЯҒҲга кирим қилинади ва мазкур бюджет ташкилотларига тушумлар ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан аввал амалга оширилган касса харажатларининг тикланиш суммалари сифатида уларнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

41. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақларига келиб тушган маблағларни тўғри акс этирилишини таъминлаш учун банклар томонидан шакллантириладиган электрон тўлов ҳужжатларининг «тўлов мақсади» графасида мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига муво-

фиқ Тўлов турлари бўйича маълумотномада кўрсатилган тегишли тўлов кодлари, шунингдек бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жам-фармалари бўйича тегишли бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақлари кўрсатилиши лозим.

42. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларни, шунингдек ДМЖ ва БМЖ шахсий ғазна ҳисобварақларига нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларнинг қайтарилиши ғазначилик бўлинмалари томонидан бюджет ташкилотлари, ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органларнинг ёзма мурожаатлари ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади, бундан давлат солиқ хизмати органлари томонидан ундириладиган тўловлар мустасно.

Божхона органларининг депозит ғазна ҳисобварақларидан маблағларни тўловчиларга қайтариш фақат тўлов ҳужжатлари асосида, давлат солиқ хизмати органларининг тегишли бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақларидан маблағларни тўловчиларга қайтариш эса солиқ органларининг тегишли хулосалари ва тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

6-боб. Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш

1-§. I ва II гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш

43. I ва II гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятлар ғазначилик бўлинмалари томонидан шартномалар ва мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги I ва II гуруҳ харажатлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмалар (бундан буён матнда ЮММП буюртмалари деб юритилади) асосида рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади.

Бунда «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар ЮММП буюртмасини қоғоз шаклда расмийлаштирганидан сўнг уларни «UzASBO» ДМга киритади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига электрон шаклини юборади. «UzASBO» ДМ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган электрон ЮММП буюртмаларининг қоғоз кўринишдаги асли ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилмайди ва буюртмачиларда сақланади. ЮММП буюртмаларининг қоғоз ва электрон шаклда расмийлаштирилиши, улардаги маълумотларнинг тўғрилиги, ўзаро мувофиқлиги ва аслининг сақланиши учун буюртмачилар жавобгар ҳисобланади.

44. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун буюртмачилар ғазначилик бўлинмаларига мазкур шартноманинг иккита асли ва бит-

та нухасини, шунингдек мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда икки асл нухада Тўловлар жадвали тақдим этади.

45. Буюртмачиларнинг «UzASBO» ДМ орқали электрон шаклда ғазначилик бўлинмаларига юборилган ЮММР буюртмалари ғазначилик бўлинмалари томонидан бир иш куни ичида масъул ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда буюртмачиларга қайтарилади.

46. «UzASBO» ДМга уланмаган буюртмачилар ЮММР буюртмаларини қоғоз шаклида икки асл нухада, унда кўрсатилган суммаларни тўлашга тўлов хужжатлари илова қилинган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилади.

Бунда мазкур ЮММР буюртмаларини рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олишда ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари мазкур Қоидаларнинг 47 — 51-бандларига мувофиқ иш юритади.

47. Ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари ЮММР буюртмаларини қабул қилганларидан сўнг ЮММР буюртмаларига қабул қилиб олган санасини кўрсатган ҳолда ўз имзоларини қўяди.

48. Ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари бир иш куни мобайнида ЮММР буюртмаларида кўрсатилган суммаларни харажатларни қоплашга тегишли манбаларнинг (бюджетдан ажратиладиган маблағлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва БМЖ маблағлари) мавжудлигига, шунингдек уларга илова қилинган тўлов хужжатларидаги суммаларни ЮММР буюртмаларида кўрсатилган суммаларга мувофиқлиги юзасидан текширади.

Камчиликлар бўлмаганида ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари томонидан ЮММР буюртмалари:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва БМЖ маблағлари бўйича — ЮММР буюртмаларининг икки аслига рўйхатдан ўтказиш рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Рўйхатдан ўтказилди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — ЮММР буюртмаларининг икки аслига ҳисобга олиш рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Буюртма бўйича тўловлар шахсий ғазна ҳисобварағи қолдиғи доирасида амалга оширилади» ёзуви билан «Ҳисобга олинди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш йўли билан ҳисобга олинади.

49. ЮММР буюртмаларида камчиликлар аниқланганида, ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари ЮММР буюртмасида камчиликларини кўрсатган ҳолда уни буюртмачининг масъул ходимига қайтаради.

50. Камчиликлари кўрсатиб қайтарилган ЮММР буюртмалари тўғрисидаги маълумот ҳисоби ғазначилик бўлинмалари томонидан «ЎРМВ» АТда электрон шаклда амалга оширилади.

51. ЮММР буюртмаси ғазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан

ўтказилганидан ёки ҳисобга олинганидан сўнг буюртмачиларнинг масъул ходимлари ЮММР буюртмасининг икки аслига қабул қилиб олган санасини кўрсатган ҳолда ўз имзосини қўяди ва ЮММР буюртмасининг бир асли буюртмачиларнинг масъул ходимларига қайтарилади. ЮММР буюртмасининг иккинчи асли ғазначилик бўлинмаларида сақлаш учун қолади.

2-§. III гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш

52. III гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятлар капитал қўйилма буюртмачилари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан тузган шартномалари (уларга қўшимча ва ўзгартиришларни ҳам инобатга олган ҳолда) (бундан буён матнда шартномалар деб юритилади) асосида ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилиши ёки ҳисобга олиниши шарт.

Бунда шартномаларда қурилишнинг дастлабки икки ойи мобайнида аванс тўловлари қурилишнинг прогноз қилинаётган йили учун танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизигача миқдорда тенг улушларда ажратилиши назарда тутилади.

53. III гуруҳ харажатлари бўйича шартномалар амал қилиш муддати тегишли молия йилининг 31 декабридан кечикмасдан тузилиши лозим, капитал қўйилмалар бўйича шартномалар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган амал қилиш муддати бир неча йилни ташкил этиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

54. Шартномалар аниқ ва равшан сиёҳ ёки шарикли ручка ёки ёзув машинасида ёзилган ҳолда тўлдирилиши лозим. Бунда тузатишлар, ўчириб ёзишлар ёки тўғрилашларга йўл қўйилмайди.

55. Агар шартномада иккинчи томоннинг хабарномасига қўра шартнома қўшимча келишувсиз бекор қилиниши мумкинлиги назарда тутилган бўлса ушбу шартнома бўйича юридик мажбуриятни бекор қилиш капитал қўйилма буюртмачиларининг мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига мувофиқ шакл бўйича икки асл нусхада Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаси ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг (пудратчиларнинг) мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бекор қилинишига қаршилиги йўқлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси асосида амалга оширилади.

Бунда ушбу юридик мажбуриятни бекор қилишни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олишда ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари мазкур қоидаларнинг 59 — 61-бандларига мувофиқ иш юритади.

56. Капитал қўйилма буюртмачиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан шартномаларида томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ расмийлаштирилади.

57. Капитал қўйилма буюртмачилари юридик мажбуриятларни рўйхат-

дан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун ғазначилик бўлинмаларига шартнома-нинг иккита асли ва битта нусхаси билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;

шартнома суммаси 50 минг АҚШ долларидан кам миқдорни ташкил этганида қонун ҳужжатларига мувофиқ эркин савдолар ўтказиш баённомаси нусхаси;

шартнома суммаси 50 минг АҚШ доллари ва ундан ортиқ миқдорни ташкил этганида қонун ҳужжатларига мувофиқ танлов (тендер) савдолари ўтказиш баённомаси нусхаси;

агар шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ танлов (тендер) савдоларисиз тузилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорининг нусхаси;

танлов савдолари натижалари ҳисоботининг Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилган нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қурилиш-монтаж ишларини бажаришга (қурилишнинг бутун даври учун берилган) рухсати нусхаси;

манзилли рўйхат (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) нусхаси;

қурилиш объекти титул рўйхати нусхаси;

пудрат ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;

давлат экология экспертизаси хулосаси нусхаси (зарур бўлганда);

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, ҳисоб-китоб (смета) қиймати 2,0 млрд сўм ва ундан ортиқ бўлган ижтимоий ва фуқаро объектлари бўйича қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатларининг Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари мавжуд бўлган объектлар бундан мустасно);

объектларни параллел равишда лойиҳалаштириш билан бир вақтда қуриш ва реконструкция қилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори нусхаси.

Бунда шартномаларда томонлар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт.

58. Капитал қўйилмага харажатлар турли манбалар ҳисобидан, инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар доирасида, Давлат бюджети маблағлари, кредит маблағлари, давлатлар, давлатлар ҳукуматлари, халқаро молиявий институтлар, шунингдек халқаро ва чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари ва бошқалар қарзлари ҳамда грантлари ҳисобидан молиялаштириладиган ҳолларда шартномалар, ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи бирламчи ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш тегишли халқаро шартномалар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

59. Ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари шартномани мазкур Қоидаларнинг 57-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда

қабул қилиб олишда Тўловлар жадвалининг икки аслига мазкур ҳужжатларни қабул қилиб олган санасини кўрсатган ҳолда ўз имзосини қўяди, шартномалар мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилганидан ёки ҳисобга олинганидан сўнг эса капитал қўйилма буюртмачиларининг масъул ходимлари Тўловлар жадвалининг икки аслига шартномани қабул қилиб олган санасини кўрсатган ҳолда ўз имзосини қўяди.

60. Ҳазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари капитал қўйилма буюртмачилари томонидан шартнома тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида шартномада кўрсатилган суммани шартномада кўрсатилган харажатларни қоплашга тегишли манбанинг (бюджетдан ажратиладиган маблағлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва БМЖ маблағлари) мавжудлигини, томонларнинг зарур реквизитлари, муҳрлари ва имзолари, муҳрлар ва имзоларнинг капитал қўйилма буюртмачиси томонидан тақдим этилган имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасида кўрсатилган имзолар ва муҳр изига мослигини, шунингдек мазкур Қоидаларнинг 57-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлигини текширади.

61. Шартномаларни мазкур Қоидалар талабларига мувофиқлиги юзасидан текширишда камчиликлар бўлмаган ҳолларда шартномалар тақдим этилганидан сўнг тўртинчи иш кунидан кечиктирмай ҳазначилик бўлинмалари томонидан:

бюджетдан ажратилган маблағлар ва БМЖ маблағлари бўйича — рўйхатдан ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — ҳисобга олинади.

62. Мазкур Қоидалар талабларига номувофиқ ҳолда тақдим этилган шартномалар рўйхатдан ўтказилмасдан ёки ҳисобга олинмасдан, мазкур Қоидаларнинг 11-иловасига мувофиқ шаклда Шартномаларни қайтариш варақасида уни рўйхатдан ўтказмасдан ёки ҳисобга олмасдан қайтаришнинг асосли сабабларини ёзма кўрсатган ҳолда қайтарилади.

63. Қайтарилган шартномалар тўғрисидаги маълумот ҳисоби ҳазначилик бўлинмалари томонидан «ЎРМВ» АТда электрон кўринишда мазкур Қоидаларнинг 12-иловасига мувофиқ шаклда Қайтарилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобида юритилади.

64. Шартномаларни қайтариш варақаларида кўрсатилган барча камчиликлар тўлиқ бартараф этилган ҳолларда, шунингдек қайта тақдим этилган шартномаларда аввал Шартномаларни қайтариш варақаларида кўрсатилмаган бошқа камчиликлар бўлмаганда ҳазначилик бўлинмалари томонидан шартномани капитал қўйилма буюртмачиларига такроран қайтарилишига йўл қўйилмайди.

65. Ҳазначилик бўлинмалари томонидан шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва БМЖ маблағлари бўйича — масъул ходим томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асли, шунинг-

дек нусхасининг барча варақларига рўйхатдан ўтказиш рақами ва санасини кўрсатиб «Рўйхатдан ўтказилди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш, шунингдек фазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси томонидан шахсий имзосини ва «Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш» муҳрини қўйиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — масъул ходим томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асли, шунингдек нусхасининг барча варақларига ҳисобга олиш рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Шартнома бўйича тўловлар шахсий фазна ҳисобварағи қолдиғи доирасида амалга оширилади» ёзуви билан «Ҳисобга олинди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш ҳамда ваколатли шахс томонидан шахсий имзосини қўйиш йўли билан ҳисобга олинади.

66. Шартномалар рўйхатдан ўтказилганидан ёки ҳисобга олинганидан сўнг шартноманинг иккита асли ва Тўловлар жадвалининг битта асли капитал қўйилма буюртмачисига қайтарилади, рўйхатга олинган ёки ҳисобга олинган шартноманинг нусхаси, Тўловлар жадвалининг иккинчи асли ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ шартнома билан тақдим этилган ҳужжатлар нусхалари эса фазначилик бўлинмаларида сақлаш учун қолади.

67. Манзилли рўйхатлар асосида бир неча йил амалга ошириладиган шартномалар бўйича жорий молия йилининг юридик мажбуриятлари фазначилик бўлинмалари томонидан капитал қўйилмаларнинг жорий молия йили учун тасдиқланган манзилли рўйхатида назарда тутилган маблағлар доирасида рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади.

68. Бажариш муддати бир йилдан ортиқ муддатни ташкил этадиган шартномалар бўйича юридик мажбуриятларни кейинги молия йилида рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш капитал қўйилма буюртмачилари томонидан фазначилик бўлинмаларига тақдим этиладиган қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

илгари фазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган шартноманинг нусхаси;

қўшимча келишувнинг иккита асли ва битта нусхаси (асосий шартнома шартларига ўзгартиришлар киритилган ҳолларда);

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;

манзилли рўйхат (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) нусхаси;

қурилиш объекти титул рўйхати нусхаси.

69. Кафолат муддати тугаганидан сўнг тўланадиган объект қийматидан 5 фоиз кафолат суммаси бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш капитал қўйилма буюртмачилари томонидан фазначилик бўлинмаларига тақдим этиладиган қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

илгари фазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган асосий шартнома (барча қўшимча келишувлари билан) нусхаси;

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;

қурилиш объектини қабул қилиш бўйича тегишли давлат комиссиясининг далолатномаси нусхаси ва объектдан фойдаланувчи ташкилот маълумотномаси (хати) нусхаси;

капитал қўйилма буюртмачиси ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) ўртасида тузилган солиштириш далолатномаси; манзилли рўйхат нусхаси.

70. Ҳазначилик бўлинмалари томонидан шартномаларга мувофиқ юридик мажбуриятларни кейинги молия йилида рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва БМЖ маблағлари бўйича — масъул ходим томонидан Тўловлар жадвалининг барча асл нусхаларига (қўшимча келишувнинг барча варақларига) рўйхатдан ўтказиш рақами ва санасини кўрсатиб «Рўйхатдан ўтказилди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш, шунингдек Ҳазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси томонидан шахсий имзосини ва «Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш» муҳрини қўйиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — масъул ходим томонидан Тўловлар жадвалининг барча асл нусхаларига (қўшимча келишувнинг барча варақларига) ҳисобга олиш рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Шартнома бўйича тўловлар шахсий Ҳазна ҳисобварағи қолдиғи доирасида амалга оширилади» ёзуви билан «Ҳисобга олинди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш ҳамда ваколатли шахс томонидан шахсий имзосини қўйиш йўли билан ҳисобга олинади.

71. Капитал қўйилма буюртмачиларининг буюртмачи хизматини сақлаб туришга маблағларни ўтказиш бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш ҳар бир объект бўйича тасдиқланган манзилли ва титул рўйхатларида мазкур мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида капитал қўйилма буюртмачиси томонидан Ҳазначилик бўлинмаларига тақдим этиладиган:

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;

икки асл нусхада Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма асосида амалга оширилади.

72. Ҳазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган ва ҳисобга олинган шартномалар ва Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар ҳисоби «ЎРМВ» АТда мазкур Қоидаларнинг 13-иловасига мувофиқ шаклда Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) китобида электрон кўринишда юритилади.

3-§. IV гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш

73. IV гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятлар буюртмачилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар)

билан тузган шартномалари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар (йиғимлар, бадаллар, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича юридик мажбуриятлар) асосида ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилиши ёки ҳисобга олиниши шарт.

Бунда буюртмачиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш тўғрисида тузиладиган шартномаларида 15 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

74. IV гуруҳ харажатлари бўйича шартномалар амал қилиш муддати тегишли молия йилининг 31 декабридан кечикмаган муддатга тузилиши лозим, манзилли рўйхатлар асосида муддати бир неча йилни ташкил қилиши мумкин бўлган капитал таъмирлаш харажатлари бўйича шартномалар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган амал қилиш муддати бир неча йилни ташкил этиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

75. Шартномалар аниқ ва равшан сиёҳ ёки шарикли ручка ёки ёзув машинасида ёзилган ҳолда тўлдирилиши лозим. Бунда тузатишлар, ўчириб ёзишлар ёки тўғрилашларга йўл қўйилмайди.

76. Агар шартномада иккинчи томоннинг хабарномасига кўра шартнома қўшимча келишувсиз бекор қилиниши мумкинлиги назарда тутилган бўлса, ушбу шартнома бўйича юридик мажбуриятни бекор қилиш буюртмачиларнинг икки асл нусхада Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаси ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг (пудратчиларнинг) мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартномани бекор қилинишига қаршилиги йўқлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси асосида амалга оширилади.

Бунда мазкур юридик мажбуриятни бекор қилишни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олишда ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари мазкур Қоидаларнинг 98 — 100-бандларига мувофиқ иш юритади.

77. Буюртмачиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан шартномаларида томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ расмийлаштирилади.

78. Буюртмачилар товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олишда товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилардан (пудратчилардан) тегишли лицензиянинг ёки рухсатнома тусидаги ҳужжатнинг нусхасини (товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни ёки рухсатнома тусидаги ҳужжат олишни талаб қилса) сўраб олади. Ушбу ҳужжатлар нусхаси ғазначилик бўлинмаларига рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун тақдим этиладиган шартномалар билан бирга тақдим қилинади.

79. Буюртмачилар томонидан қабул қилинадиган юридик мажбуриятлар ҳажми, мос равишда, бюджетдан ажратиладиган маблағлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва БМЖ маблағлари ҳажми билан чегараланади.

80. Вақтинчалик харажатлар сметаси доирасида тузилган асосий шарт-

номага қўшимча келишув танлов (тендер) савдолари ўтказилиши талаб қилинмайдиган ҳолларда мазкур қўшимча келишув бўйича Тўловлар жадвалида биринчи чорак учун назарда тутилган сумма асосий шартнома бўйича амалга оширилган касса харажатларидан кам бўлмаслик шarti билан тузилиши мумкин.

81. Даврий босма нашрларнинг обунаси ва етказиб бериш учун шартномаларни буюртмачилар жорий молия йилида кейинги молия йили учун тузиши мумкин. Бунда мазкур шартномаларда уларнинг амал қилиш муддати келгуси молия йилининг 31 декабри сифатида белгиланади, шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олишда эса «ЎРМВ» АТда ушбу шартномалар амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабри сифатида киритилади.

82. Буюртмачилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олишга битта товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи (пудратчи) билан харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифининг бир нечта коди бўйича шартномалар тузишда шартномаларда ҳар бир шахсий ғазна ҳисобварағи ва улардан тўлов суммаси мажбурий тартибда алоҳида кўрсатилади. Мазкур шартномалар ғазначилик бўлинмаларига вазифа жиҳатидан таснифининг ҳар бир бўлими ва кичик бўлими алоҳида кўрсатилган ҳолда икки асл нусхада Тўловлар жадвали билан бирга тақдим этилади. Бунда мазкур Қоидаларнинг 87-бандида санаб ўтилган ва рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун шартномаларга илова қилинадиган хужжатлар буюртмачилар томонидан бир нусхада тақдим этилади.

83. IV гуруҳ бўйича харажатларни турли манбалар ҳисобидан, Давлат бюджети маблағлари, кредит маблағлари, давлатлар, давлатлар ҳукуматлари, халқаро молиявий институтлар, шунингдек халқаро ва чет эл ҳукумат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари ва бошқалар қарзлари ҳамда грантлари ҳисобидан молиялаштириладиган ҳолларда шартномалар товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлигини тасдиқловчи бирламчи ва бошқа хужжатларни расмийлаштириш тегишли халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

84. Шартномаларда ёки уларга иловаларда товарлар миқдори (ишлар ва хизматлар ҳажми), товарлар (ишлар ва хизматлар) бирлигининг нархи ва умумий суммаси ёки иш ҳажми суммаси кўрсатилган бўлиши лозим.

85. Буюртмачиларнинг шартномалар тузмасдан қонун хужжатларига мувофиқ юридик мажбуриятлар юзага келишини тасдиқловчи хужжатлари (счётлар, квитанциялар, хабарномалар ва бошқа хужжатлар) асосида қабул қилинадиган юридик мажбуриятларининг рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;

иктисод қилинган маблағларни Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига (Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига) ўтказиш;

тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар-

ни Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаларига ўтказиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тўловларни тўлаш.

86. Мазкур Қоидаларнинг 85-бандида назарда тутилган маблағларни ўтказиш учун буюртмачилар вазначилик бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;

икки асл нусхада Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тўловларни тўлашда юридик мажбурият мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси.

87. Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун буюртмачилар вазначилик бўлинмаларига шартноманинг икки асли ва бир нусха-си билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

икки асл нусхада Тўловлар жадвали (агар шартнома вазифа жиҳатидан таснифнинг бир нечта кодлари бўйича тузилган бўлса, унда бюджет таснифининг тегишли кодлари алоҳида кўрсатилади);

шартнома суммаси 300 АҚШ доллари миқдоридан 100 минг АҚШ доллари миқдоригача суммани ташкил этганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ етказиб берувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш бўйича савдолар ўтказиш баённомаси нусхаси;

суммаси 300 АҚШ доллари миқдоридан 100 минг АҚШ доллари миқдоригача суммани ташкил этган алоҳида товарларни (ишларни, хизматларни) биржа ташкил қилган электрон савдолар орқали харид қилиш бўйича савдолар ўтказиш баённомаси нусхаси;

суммаси 100 минг АҚШ доллари миқдоридан ортиқ суммадаги шартномалар бўйича тендер савдолари баённомаси нусхаси;

тегишли фаолият тури учун лицензиянинг ёки рухсатнома тусидаги ҳужжатнинг нусхаси (товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни ёки рухсатнома тусидаги ҳужжат олишни талаб қилса).

Бунда шартномаларда томонлар юридик хизматининг ёки жалб қилинган адвокатнинг имзоси бўлиши шарт.

88. Қуйидаги ҳолларда шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун мазкур Қоидаларнинг 87-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) автотранспорт, машина, техника ва ускуналарни жорий, ўрта ва мукаммал таъмирлашда — нуқсон далолатномаси;

б) бино ва иншоотларни жорий ва ўрта таъмирлашда — лойиҳа-смета ҳужжатларини (бажариладиган ишлар суммаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг юз бараваридан ошган ҳолларда) экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида хулоса нусхаси, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

в) бинолар, иншоотлар ва ички хўжалик йўлларини мукаммал таъмирлашда:

бинолар, иншоотлар ва ички хўжалик йўлларини мукамал таъмирлаш манзилли рўйхати нусхаси;

лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлиги бўйича хулоса нусхаси;

шартнома суммаси 50 минг АҚШ доллари ва ундан ортиқ миқдорни ташкил этганида қонун ҳужжатларига мувофиқ тендер савдоларини ўтказиш баённомаси нусхаси;

шартнома суммаси 50 минг АҚШ долларидан кам миқдорни ташкил этганида қонун ҳужжатларига мувофиқ эркин савдолар ўтказиш баённомаси нусхаси.

89. Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси (бундан буён матнда биржа деб юритилади) томонидан ўтказиладиган электрон савдолар орқали товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олишда буюртмачилар фазначилик бўлинмаларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;

электрон аукцион савдолар бўйича — биржа томонидан ушбу буюртмачига электрон тарзда юборилган шартноманинг буюртмачи томонидан ўз персонал кабинети орқали чоп этилган ва буюртмачининг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган нусхаси. Бунда шартномада буюртмачилар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт;

электрон каталогда ўтказилган харидлар бўйича — электрон каталог савдоларида товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи билан тузилган ва биржа томонидан рўйхатдан ўтказилган шартноманинг икки асли ва бир нусхаси. Бунда шартномаларда томонлар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт.

90. Буюртмачиларнинг Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси, ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркалари доирасида тузилган шартномалари рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун фазначилик бўлинмаларига шартномалар тегишли Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг тақдим этилади. Мазкур шартномаларнинг (Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида рўйхатдан ўтказилган) икки асли ва бир нусхаси билан бирга фазначилик бўлинмаларига икки асл нусхада Тўловлар жадвали тақдим этилади.

Бунда шартномаларда томонлар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт.

91. Буюртмачилар юридик ёки жисмоний шахслардан бино ёки иншоот сотиб олишда шартноманинг икки асли ва бир нусхаси билан бирга фазначилик бўлинмаларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;

шартнома суммаси 300 АҚШ доллари миқдоридан 100 минг АҚШ доллари миқдоригача суммани ташкил этганида қонун ҳужжатларига мувофиқ етказиб берувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш бўйича савдолар ўтказиш баённомаси нусхаси;

суммаси 100 минг АҚШ доллари миқдоридан ортиқ шартномалар бўйича тендер савдолари баённомаси нусхаси.

Бунда шартномаларда томонлар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт.

92. Бажариш муддати бир йилдан ортиқ муддатни ташкил этадиган шартномалар бўйича юридик мажбуриятларни кейинги молия йилида рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш буюртмачилар томонидан газначилик бўлинмаларига тақдим этиладиган қўйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

илгари газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган шартноманинг нусхаси;

қўшимча келишувнинг икки асли ва бир нусхаси (асосий шартнома шартларига ўзгартиришлар киритилган ҳолларда);

икки асл нусхада Тўловлар жадвали.

Бунда қўшимча келишувда томонлар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт.

93. Амбулатория шароитида даволанаётган алоҳида тоифадаги беморларни имтиёзли рецептлар бўйича дори воситалари билан таъминлаш учун ҳудудий соғлиқни сақлаш бўлимлари ёки амбулатория-поликлиника муассасалари харажатлар сметаси доирасида, беморларга ёзиб берилган рецептлар асосида берилган дори воситалари қийматини тўлаш учун олдиндан танлов, тендер ёки электрон савдолари ўтказмасдан, шунингдек биржанинг махсус ахборот порталига эълон жойлаштирмасдан дорихона муассасалари билан белгиланган тартибда шартномалар тузади. Мазкур шартномалар газначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Бунда ҳудудий соғлиқни сақлаш бўлимлари ёки амбулатория-поликлиника муассасалари шартнома суммасидан келиб чиқиб ва харажатлар сметаси доирасида ойлик суммадан 15 фоиз миқдорда ҳар ойлик олдиндан тўловни амалга оширади. Якуний ҳисоб-китоб дорихона муассасалари томонидан ҳақиқатда етказиб берилган дори воситалари миқдоридан келиб чиқиб ёзиб берилган ҳисобварақ-фактуралар асосида амалга оширилади.

94. IV гуруҳ харажатлари ҳисобига нақд пул маблағлари тўлаш фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

95. Буюртмачиларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда «Ўқитиш харажатлари», «Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари», «Бошқа харажатлар» ва харажатлар сметасининг бошқа харажат моддаларидан нақд пул олиш бўйича юридик мажбуриятлари газначилик бўлинмаларида буюртмачилар томонидан тақдим этиладиган қўйидаги ҳужжатлар асосида I ва II гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш тартиби бўйича рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади:

икки асл нусхада ЮММР буюртмаси;

буюртмачиларнинг (ходимни хизмат сафарига юбориш, тадбирни ўтказиш ва бошқалар тўғрисидаги) буйруғи нусхаси.

Бунда давлат илмий-техник дастурларини бажаришга иқтисодий хара-

жатлар таснифининг бир сатрида маблағлар олувчи буюртмачиларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлари бўйича юридик мажбуриятлари ЮММР буюртмаси асосида рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади.

96. Буюртмачилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 95-бандида белгиланган харажатларни нақд пул маблағлари орқали амалга ошириш мазкур буюртмачиларнинг раҳбарлари томонидан тегишли буйруқ қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Буйруқда тадбир тури, муддати ва ўтказилиш жойи, иштирокчилар сони ва харажатларнинг умумий суммаси, иштирокчиларга нақд пул маблағлари кўринишида тўланиши лозим бўлган сумма алоҳида кўрсатилиши лозим.

97. Вояга етмаган болаларга (вояга етмаган болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ёки фуқаролик паспорти нусхаси асосида) тўланиши лозим бўлган нақд пул маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаб берилади.

98. Буюртмачилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 86 — 92-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар фазначилик бўлинмаларига тақдим этилганидан сўнг фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари Тўловлар жадвалининг икки аслига мазкур ҳужжатларни қабул қилиб олган санани кўрсатган ҳолда ўз имзоларини қўяди, шартнома ёки Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилганидан ёки ҳисобга олинганидан сўнг буюртмачиларнинг масъул ходимлари Тўловлар жадвалининг икки аслига рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган шартномани ёки Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмани қабул қилиб олган санасини кўрсатган ҳолда ўз имзосини қўяди.

99. Фазначилик бўлинмалари буюртмачилар томонидан шартнома ёки Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида:

мазкур Қоидаларнинг 86 — 92-бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлигини;

шартномаларда ёки Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаларда томонларнинг зарур реквизитлари, муҳр ва имзолари мавжудлигини;

муҳр изи ва имзоларнинг буюртмачилар томонидан тақдим этилган имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасида кўрсатилган имзолар ва муҳр изига мослигини;

шартномаларда ёки Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаларда кўрсатилган суммани шартномада ёки Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаларда кўрсатилган харажатларни қоплашга тегишли манбанинг (бюджетдан ажратилган маблағлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва БМЖ маблағлари) мавжудлигини текширади.

100. Буюртмачиларнинг шартномалари ва Юридик мажбуриятларни

рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмалари мазкур Қоидалар талабларига мувофиқлиги юзасидан текширишда камчиликлар бўлмаган ҳолларда шартномалар ёки Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмалар тақдим этилганидан сўнг тўртинчи иш кунидан кечикмасдан ғазначилик бўлинмалари томонидан:

бюджетдан ажратилган маблағлар ва БМЖ маблағлари бўйича — рўйхатдан ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — ҳисобга олинади.

101. Мазкур Қоидалар талабларига номувофиқ ҳолда тақдим этилган шартномалар ва Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмалар рўйхатдан ўтказилмасдан ёки ҳисобга олинмасдан Шартномаларни қайтариш варақасида уни рўйхатдан ўтказмасдан ёки ҳисобга олмасдан қайтаришнинг асосли сабабларини ёзма кўрсатган ҳолда қайтарилади.

102. Қайтарилган шартномалар ва Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмалар тўғрисидаги маълумот ҳисоби ғазначилик бўлинмалари томонидан «ЎРМВ» АТда электрон кўринишда Қайтарилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобида юритилади.

103. Шартномаларни қайтариш варақаларида кўрсатилган барча камчиликлар тўлиқ бартараф этилган ҳолларда, шунингдек қайта тақдим этилган шартномаларда ёки Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаларда аввал Шартномаларни қайтариш варақаларида кўрсатилмаган бошқа камчиликлар бўлмаганда ғазначилик бўлинмалари томонидан буюртмачиларга шартномаларни ва Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмаларни такроран қайтарилишига йўл қўйилмайди.

104. Ғазначилик бўлинмалари томонидан шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва БМЖ маблағлари бўйича — масъул ходим томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асли, шунингдек нусхасининг барча варақларига, шунингдек мазкур Қоидаларнинг 85-бандида кўрсатилган юридик мажбуриятларни Тўловлар жадвали ва Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг икки аслига рўйхатдан ўтказиш рақами ва санасини кўрсатиб «Рўйхатдан ўтказилди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш, шунингдек ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси имзоси билан тасдиқлаш ва «Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш» муҳрини қўйиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — масъул ходим томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асли, шунингдек нусхасининг барча варақларига, шунингдек мазкур Қоидаларнинг 85-бандида кўрсатилган юридик мажбуриятларни Тўловлар жадвали ва Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг асли ҳисобга олиш рақами ҳамда санасини

кўрсатган ҳолда «Шартнома бўйича тўловлар шахсий ғазна ҳисобварағи қолдиғи доирасида амалга оширилади» ёзуви билан «Ҳисобга олинди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш ҳамда ваколатли шахс имзоси билан тасдиқлаш йўли билан ҳисобга олинади.

105. Ҳазначилик бўлинмалари томонидан юридик мажбуриятлар рўйхатдан ўтказилганидан ёки ҳисобга олингандан сўнг:

шартномаларнинг икки асли ва Тўловлар жадвалларнинг биринчи асли буюртмачиларга қайтарилади, рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган шартномаларнинг нусхаси, Тўловлар жадвалининг иккинчи асли ва буюртмачилар томонидан шартномалар билан бирга тақдим этилган ҳужжатлар нусхалари эса ғазначилик бўлинмаларида сақлаш учун қолади;

Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг ва Тўловлар жадвалининг биринчи асли буюртмачиларга қайтарилади, иккинчи асли ҳамда Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмалар билан бирга тақдим этилган ҳужжатлар нусхалари эса ғазначилик бўлинмаларида сақлаш учун қолади.

106. Ҳазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган ва ҳисобга олинган шартномалар ва Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар ҳисоби «ЎРМВ» АТда Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) китобида электрон кўринишда юритилади.

107. Рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган шартномалар суммасига нисбатан молиявий мажбуриятларни кам миқдорда рўйхатдан ўтказилиши ёки ҳисобга олиниши натижасида юзага келган харажатларни қоплашга тегишли манба (бюджетдан ажратилган маблағлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва БМЖ маблағлари) бўйича ишлатилмаган қолдиқ мавжуд бўлганида буюртмачилар амал қилиш муддати:

тугамаган шартномалар бўйича — тегишли ҳисобот даври учун шартнома суммасини камайтиришни ва уни мазкур шартнома бўйича қабул қилинган молиявий мажбуриятлар суммасига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи қўшимча келишув тузиши ва ғазначилик бўлинмаларига тақдим этиши;

тугаган шартномалар бўйича — ғазначилик бўлинмалари томонидан шартнома суммасини камайтирилиши ва уни мазкур шартнома бўйича қабул қилинган молиявий мажбуриятлар суммасига мувофиқлаштирилиши учун асос бўлувчи мазкур шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан солиштириш далолатномасини тузиши ва ғазначилик бўлинмаларига тақдим этиши зарур.

108. Агар шартномалар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилиши асосли сабабларга кўра кейинги молия йилига ўтса, буюртмачилар мазкур шартнома муддати тугагунига қадар, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан тузилган солиштириш далолатномалари асосида шартномалар муддатини узайтириш, жорий молия йилида қабул қилинган юридик мажбуриятлар суммасини етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) суммасига камайтириш, шунингдек етказиб

берилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича юридик мажбуриятларни кейинги молия йилига ўтказишни назарда тутувчи қўшимча келишувлар тузиши мумкин. Бунда мазкур қўшимча келишувлар товарлар (ишлар, хизматлар) бирлиги нархининг ошишини назарда тутмаслиги ва уларнинг умумий суммаси товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) етказиб берилмаган қисми бўйича юридик мажбуриятлар суммасидан ошмаслиги шарт.

Бунда мазкур қўшимча келишувни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олишда «ЎРМВ» АТда уларнинг амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабри сифатида киритилади.

109. Ҳазначилик бўлинмалари мазкур Қоидаларнинг 108-бандида кўрсатилган буюртмачилар ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) ўртасида тузилган қўшимча келишувни кейинги молия йилида қўйидаги тартибда:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва БМЖ маблағлари бўйича — бюджет маблағларини тақсимловчилар (Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан маблағ оладиган ташкилотлар бўйича), ҳудудий молия органлари, ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органларининг кейинги молия йилининг харажатлар сметасида улар томонидан мазкур қўшимча келишув бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва тўловларни амалга ошириш учун етарли маблағлар режалаштирилганлигини тасдиқловчи ҳулосаси асосида рўйхатдан ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича кейинги молия йилининг харажатлар сметасида мазкур қўшимча келишув бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни ҳисобга олиш ва тўловларни амалга ошириш учун етарли маблағлар режалаштирилганлигини тасдиқловчи бюджет ташкилотларининг қафолат хати асосида ҳисобга олади.

4-§. Буюртмачиларнинг лизинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш

110. Буюртмачилар бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лизинг шартномалари тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

111. Ҳазначилик бўлинмалари томонидан буюртмачиларнинг лизинг шартномалари бўйича рўйхатдан ўтказиладиган ёки ҳисобга олинмаган юридик мажбуриятлари ҳажми, мос равишда, бюджетдан ажратиладиган маблағлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва БМЖ маблағлари ҳажми билан чегараланади.

112. Лизинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун буюртмачилар ҳазначилик бўлинмаларига шартноманинг икки асли ва бир нусхаси билан бирга икки асл нусхада Тўловлар жадвали тақдим этади.

Бунда шартномаларда томонлар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт.

113. Лизинг шартномалари бўйича жорий молия йилида юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказилиши ёки ҳисобга олинishi лизинг тўловлари бўйича тасдиқланган тўловлар жадвали асосида жорий молия йилида тўланиши назарда тутилган сумма доирасида амалга оширилади.

Лизинг шартномалари бўйича юридик мажбуриятларни кейинги молия йилларида рўйхатдан ўтказилиши ёки ҳисобга олинishi лизинг бўйича тасдиқланган тўловлар жадвалида назарда тутилган мос равишда кейинги молия йилларида тўланиши лозим бўлган суммалардан келиб чиқиб икки асл нусхада Тўловлар жадвали асосида амалга оширилади.

114. Лизинг шартномаларини ғазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш мазкур Қоидаларнинг 98 — 106-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-§. Товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бўйича шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш

115. Буюртмачиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бўйича шартномалари, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ушбу шартномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ваколатли органларда тегишли экспертизадан ўтганидан ва ҳисобга қўйилганидан сўнг ғазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади. Бунда шартномаларда кўрсатилган суммалар ғазначилик бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисобга олинади.

116. Ғазначилик бўлинмалари томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бўйича шартномаларни (унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳам инобатга олиб) рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун буюртмачилар ғазначилик бўлинмаларига шартноманинг бир асли ва нусхаси билан бирга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;

миллий валютани хорижий валютага конвертация қилишга сўровнома нусхаси.

Бунда шартномаларда томонлар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт.

117. Бажариш муддати бир молия йилидан ортиқ муддатни ташкил этадиган импорт шартномалари бўйича юридик мажбуриятларни ғазначилик бўлинмалари томонидан кейинги молия йилларида рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш қўйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

илгари ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган шартноманинг нусхаси;

қўшимча келишувнинг бир асли ва нусхаси (асосий шартнома шартларига ўзгартиришлар киритилган ҳолларда);

икки асл нусхада Тўловлар жадвали;
миллий валютани хорижий валютага конвертация қилишга сўровнома нусхаси.

118. Буюртмачиларнинг импорт шартномаларини ғазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш мазкур Қоидаларнинг 98 — 106-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ваколатли органларда экспертзадан ўтказилган ва ҳисобга қўйилган импорт шартномалари бўйича буюртмачилар ғазначилик бўлинмаларига танлов (тендер) савдолари ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмайди.

119. Импорт шартномалари ташқи кредит маблағлари, давлатлар, давлатлар ҳукуматлари, халқаро молиявий институтлар, шунингдек халқаро ва чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари ва бошқалар қарзлари ҳамда грантлари ҳисобидан молиялаштириладиган ҳолларда импорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш тегишли халқаро шартномалар билан ўрнатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

120. Конвертация ва белгиланган тартибда тўлов учун маблағлар буюртмачилар томонидан тақдим этиладиган миллий валютани хорижий валютага конвертация қилишга сўровнома асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда очилган тегишли банк ҳисобварағига ўтказилади. Хорижий валюта курсининг кўтарилиш томонга ўзгариши ҳолларида миллий валютани хорижий валютага конвертация қилишга қўшимча сўровнома тақдим этилади.

121. Буюртмачилар импорт шартномалари тузишда ва уларни хорижий валютада тўлаш шarti билан мажбуриятларни қабул қилишда юзага келиши мумкин бўлган валюталар курси фарқларини қоплаш учун харажатларни қоплашга тегишли манбалар (бюджетдан ажратилган маблағлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва БМЖ маблағлари) захирасини назарда тутишлари лозим.

122. Юзага келиши мумкин бўлган валюта курси фарқларини қоплаш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг зарур захираси ҳар бир аниқ импорт шартномаси бўйича индивидуал тарзда буюртмачилар томонидан Молия вазирлигининг соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бошқармалари ёки ҳудудий молия органлари иштирокида шартнома тузилган сана, назарда тутилаётган муддат ва валюта курсининг кутилаётган ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда аниқланади.

123. Импорт шартномалари бўйича кўрсатилган хизматлар (аккредитив очиш, конвертация ва бошқа хизматлар) учун тўловлар буюртмачилар томонидан тақдим этиладиган икки нусхада Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма ва Тўловлар жадвали ҳамда тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

7-боб. Буюртмачиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан шартномаларини рўйхатдан ўтказишда ва ҳисобга олишда нарх ечими ҳамда нархлар мониторингини амалга ошириш

124. Ҳазначилик бўлинмалари буюртмачилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан тузилаётган шартномаларнинг сифатли таъминланишини ва нарх-наво ечимини назарда тутувчи бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингни танлов (тендер) савдолари ўтказилганлиги натижаларини тасдиқловчи танлов (тендер) комиссияси қарорлари баённомаси нусхаси ҳамда электрон савдолар баённомаси нусхасини олиш йўли билан амалга оширади.

125. Буюртмачилар товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан тузиладиган шартномалардаги нарх-наво ечими ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилганлигига жавобгардир.

8-боб. Қабул қилинган молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш ҳамда харажатлар тўлови

1-§. I ва II гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш ҳамда харажатлар тўлови

126. Буюртмачиларнинг I ва II гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлари ЮММР буюртмалари, шунингдек ушбу гуруҳлар харажатлари бўйича тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари асосида рўйхатдан ўтказилади ва ҳисобга олинади.

127. Буюртмачилар бюджетга мажбурий тўловларни тўлаш, нақд пул маблағларини олиш ёки ходимларнинг пластик карталарига маблағларни ўтказиш учун ЮММР буюртмаларида кўрсатилган суммалар доирасида ғазначилик бўлинмаларига тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари тақдим этади.

Бунда «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини мазкур Қоидаларнинг 7-бандида белгиланган тартибда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига электрон шаклда юборади.

128. Буюртмачиларнинг «UzASBO» ДМ орқали электрон шаклда ғазначилик бўлинмаларига юборилган тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари ғазначилик бўлинмалари томонидан бир иш куни ичида ғазначилик бўлинмаси масъул ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТда тўловга қабул қилинади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда буюртмачиларга қайтарилади.

129. «UzASBO» ДМга уланмаган буюртмачилар тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини ғазначилик бўлинмаларига қоғоз шаклда тақдим қиладилар ва уларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олишда ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари мазкур Қоидаларнинг 130 — 135-бандларига мувофиқ иш юритади.

130. Тўлов топшириқномалари ғазначилик бўлинмаларига уч нусхада тақдим қилинади. Буюртмачиларнинг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномаларининг биринчи нусхаси буюртмачиларнинг ғазначилик бўлинмаларига шахсий ғазна ҳисобварағи бўйича касса харажатларини амалга ошириш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномаларининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахслари томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан тасдиқланади ва ЯФХдан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Ғазначилик бўлинмаларининг «ТЎЛАНДИ» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган тўлов топшириқномаларининг учинчи нусхаси шахсий ғазна ҳисобварағидан кўчирма билан бирга буюртмачиларнинг масъул ходимларига қайтарилади.

Бунда тўлов топшириқномаларининг «Маблағларни тўловчининг номи» устунда ғазначилик бўлинмасининг номи, «Маблағларни тўловчининг ҳисобварағи» устунда — ЯФХ, «Тўлов мақсади» устунда — буюртмачининг шахсий ғазна ҳисобварағи рақами, СТИРи ва номи, бюджет таснифининг тегишли кодлари, тўловни ўтказишга асос бўладиган ҳужжат, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

131. Буюртмачилар томонидан тақдим қилинган тўлов топшириқномалари мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлганда, ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари тўлов топшириқномаларининг иккинчи нусхасига «ТЕКШИРИЛДИ» белгисини, тўлов топшириқномалари қабул қилинган санани ва ўзининг имзосини қўяди. Тўлов топшириқномалар мазкур Қоидалар талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари тўлов топшириқномаларининг орқа томонида қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни буюртмачиларнинг масъул ходимларига қайтаради. Тўлов топшириқномаларининг иккинчи нусхасини ғазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахслари имзолари ва ғазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

132. Бир шахсий ғазна ҳисобварағидан бошқа шахсий ғазна ҳисобварағига маблағлар ўтказиш учун буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига уч нусхада ғазначилик мемориал ордерлари тақдим қилинади. Буюртмачиларнинг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган ғазначилик мемориал ордерларининг биринчи нусхаси ғазначилик бўлинмаларига буюртмачиларнинг ғазначилик бўлинмаларига шахсий ғазна ҳисобварағи бўйича касса харажатларини амалга ошириш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Ғазначилик мемориал ордерларининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул

шахслари томонидан имзоланади, фазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан тасдиқланади ва буюртмачиларнинг шахсий фазна ҳисобварақларидан маблағларни ўтказиш учун асос бўлади. Фазначилик бўлинмаларининг «ТЎЛАНДИ» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган фазначилик мемориал ордерларининг учинчи нусхаси шахсий фазна ҳисобварақлардан кўчирма билан биргаликда буюртмачиларнинг масъул ходимларига қайтарилади.

Бунда фазначилик мемориал ордерларининг «Тўлов мақсади» устунида Тўлов турлари бўйича маълумотномага асосан тегишли тўлов коди, буюртмачиларнинг шахсий фазна ҳисобварағи рақами, СТИРи ва номи, бюджет таснифининг тегишли кодлари, тўловни ўтказишга асос бўладиган ҳужжат, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

133. Буюртмачилар томонидан тақдим қилинган фазначилик мемориал ордерлари мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлганда фазначилик бўлинмаларининг масъул ходими фазначилик мемориал ордерларининг иккинчи нусхасига «ТЕКШИРИЛДИ» белгисини, фазначилик мемориал ордери қабул қилинган санани ва ўзининг имзосини қўяди. Фазначилик мемориал ордерлари мазкур Қоидалар талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари фазначилик мемориал ордерларининг орқа томонида қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда уни буюртмачиларнинг масъул ходимларига қайтаради. Фазначилик мемориал ордерларининг иккинчи нусхасини фазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахсларининг имзолари ва фазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

134. Маблағларни бир шахсий фазна ҳисобварағидан бошқасига ўтказишда фазначилик мемориал ордерларига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

иктисод қилинган бюджет маблағларини ўтказишда — мазкур Қоидаларнинг 225-бандида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар; нотўғри тушган маблағларни қайтаришда буюртмачиларнинг хати илова қилинади.

Бунда ота-оналарнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида болаларни сақлаш учун тўловлари, мусиқа ва санъат мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, ходимлардан улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумларни ўтказишда ва бошқа шунга ўхшаш тўловларни амалга оширишда қўшимча ҳужжатлар илова қилинмайди (талаб қилинмайди), бироқ тўлов мақсадида оғи, йили ва кимга тўлаётганлиги кўрсатилиши шарт (фазначилик мемориал ордери ҳар бир тўловчи бўйича алоҳида расмийлаштирилади), шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бир шахсий фазна ҳисобварағидан бошқасига маблағларни ўтказишда ҳам фазна мемориал ордерига қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмайди ва тўлов мақсадида тегишли қонун ҳужжати ва нима мақсадда ўтказилаётганлиги кўрсатилиши шарт.

135. Фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари I ва II гуруҳ харажатлари бўйича ЮММР буюртмалари асосида «ЎРМВ» АТга буюртмачилари

томонидан тақдим қилинган тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини киритади ҳамда улар бўйича тўловларни амалга оширади.

136. Нақд пул маблағлари олиш учун чек — бу ғазначилик бўлинмасининг маълум нақд пул суммасини буюртмачига бериш учун ёзма топшириғидир. Чеклар буюртмачи томонидан сиёҳ ёки шарикли ручка билан қўлда ёзилади. Чекларда ўчириб ёзиш, тузатиш, тўғрилашларга ҳамда факсимиле ишлатилишига йўл қўйилмайди. Чеклар ўн кун давомида (улар ёзиб берилган кунни ҳисобга олган ҳолда) ҳақиқий ҳисобланади.

137. Ғазначилик бўлинмалари чек дафтарчаларини уларга хизмат кўрсатувчи банклардан уларни кейинчалик буюртмачиларга тарқатиш учун олади. Бунда буюртмачилар ғазначилик бўлинмаларига чек дафтарчаларини олиш учун мазкур буюртмачи раҳбари ва бош бухгалтери имзоси қўйилган ишончнома ва сўровномаларни тақдим қилади. Ишончнома бўйича бир буюртмачига берилган чек дафтарчасидан бошқа буюртмачи томонидан фойдаланилишига йўл қўйилмайди. Олинган чек дафтарчалари буюртмачиларда сақланади.

138. Чеклар 23212 ва 23214 баланс ҳисобварақларида очилган ҳисобварақларга ўтказилган маблағлар доирасида ёзилади.

139. Буюртмачилар 23212 ва 23214 баланс ҳисобварақларига маблағлар ўтказилганидан сўнг ғазначилик бўлинмаларига тўлдирилган чек тақдим қиладилар. Бунда буюртмачилар нақд пул тўловлари бўйича 23212 ва 23214 баланс ҳисобварақларга пул тушганидан сўнг ўн кун ичида (улар ёзиб берилган кунни ҳисобга олган ҳолда) нақд пул маблағларини умумий сумма доирасида ёзилган бир нечта чек билан олиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун буюртмачилар ғазначилик бўлинмаларига тегишли суммага ЮММР буюртмаси ёки пул оладиган саналар ва суммаларини аниқ ва алоҳида кўрсатган ҳолда ЮММР буюртмасини тақдим этади.

Бунда банкнинг масъул ходимлари ғазначилик бўлинмалари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган буюртмачиларнинг масъул ходими томонидан тақдим қилинган нақд пул маблағларини олиш учун чекларни улар тақдим қилинган кунда қабул қилиши шарт.

140. Ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари тўлдирилган чекларни қабул қилганидан сўнг чек ва ЮММР буюртмаси суммалари мувофиқлигини текширади, имзо ва муҳр қўяди ҳамда текширишдан сўнг чекнинг назорат маркасини буюртмачиларнинг масъул ходимларига беради. Бунда ёзилган чеклар икки нусхада чоп этилган қоғоз шаклидаги ёзилган чеклар реестри билан бирга ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари томонидан буюртмачиларнинг масъул ходимларига, хизмат кўрсатувчи банка тақдим қилиш учун берилади.

141. Молия йили мобайнида ишлатилган чек дафтарчалари милклари буюртмачилар томонидан «UzASBO» ДМда шакллантирилган, ишлатилган ва бузилган чеклар реестри билан бирга охириги чек варағи тўлдирилган куннинг кейинги кунда ғазначилик бўлинмаларига қайтарилиши шарт.

142. Ишлатилган ва бузилган чеклар реестри ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимларига икки нусхада тақдим қилинади. Буюртмачиларнинг

масъул ходимлари имзолари тўлиқлиги фазначилик бўлинмалари ходимлари томонидан текширилади. Бунда ишлатилган ва бузилган чеклар реестрининг биринчи нусхаси фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари томонидан имзоланади ва буюртмачиларнинг масъул ходимларига текширилган санасини кўрсатган ҳолда қайтарилади, иккинчи нусхаси чек билан бирга фазначилик бўлинмаларида қолади.

143. Буюртмачилар ишлатилган ва бузилган чеклар реестрини фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимларига топширилгандан сўнг буюртмачиларга янги чек дафтарчаси берилади. Бунда бузилган чеклар мавжуд бўлган ҳолларда буюртмачилар уларни ишлатилган чек дафтарчалари билан бирга қайтаради, улар мавжуд бўлмаганда эса уларнинг йўқлиги сабаблари ҳамда кўрилган чоралар тўғрисида фазначилик бўлинмаларини ёзма хабардор қилади.

144. Фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари ишлатилган чек дафтарчаларини олганларидан сўнг улардаги маълумотларни «ЎРМВ» АТдаги тўланган суммалар ва чеклар сони тўғрисидаги маълумотлар билан солиштиради.

145. Ишлатилган чеклар бўйича маълумотларда фарқлар мавжуд бўлган ҳолларда фазначилик бўлинмалари томонидан етишмаётган чекларнинг рақами ва суммаларини кўрсатган ҳолда чек дафтарчалари рўйхати ва унга иловалар тузилади ҳамда буюртмачиларга фарқлар сабабларини аниқлаштириш учун тақдим қилинади.

146. Банклар томонидан чекда кўрсатилган суммани бериш унда фазначилик бўлинмаларининг имзо қўйиш ҳуқуқига эга ваколатли шахсларининг фазначилик бўлинмаларининг муҳри билан тасдиқланган ҳамда имзо намуналари ва муҳр изи карточкасида кўрсатилган имзолари бўлганда амалга оширилади.

Бунда нотўғри расмийлаштирилган чеклар банклар томонидан фазначилик бўлинмаларига чек тақдим қилинган куни ёки кейинги банк кунидан кечикмаган муддатда қайтарилади.

147. Нақд пул маблағлари берилганидан сўнг ёзилган чеклар реестрининг иккинчи нусхаси чек ижро этилганлиги тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда кўчирма билан бирга банклар томонидан фазначилик бўлинмаларига қайтарилади. Фазначилик бўлинмалари кўчирма асосида тегишли шахсий фазна ҳисобварағига нақд пул маблағлари берилганлиги тўғрисида маълумот киритади ва буюртмачиларга шахсий фазна ҳисобварағидан фазначилик бўлинмаларининг белгиси қўйилган кўчирма беради.

148. Банклардан нақд пул маблағларини олиш учун буюртмачилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги моддий жавобгар шахсга (кассирга) берилган Ишончнома асосида тегишли фазначилик бўлинмаларига тақдим қилинади.

149. Буюртмачиларнинг ишончли шахслари томонидан чек йўқотилган тақдирда чек йўқотилганлиги аниқланган куни тегишли фазначилик бўлинмасига буюртмачилар раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган билдиришнома-хат йўлланади. Фазначилик бўлинмаси буюртмачи-

нинг билдиришнома-хати асосида мурожаат қилинган куннинг кейинги кунидан кечикмаган муддатда йўқотилган чекнинг серияси ва рақамини кўрсатган ҳолда мазкур чек тўловини тўхтатиш мақсадида банкка хат юборади. Бунда чеклар реестри чақириб олинган чек суммасини айирган ҳолда ижро қилинади.

150. Ҳазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари берилган ва ишлатилган чекларни рўйхатдан ўтказишни мазкур Қоидаларнинг 15-иловасидаги шаклга мувофиқ Берилган ва ишлатилган чекларни ҳисобга олиш журналида олиб борадилар.

151. Буюртмачиларнинг ходимлари учун пластик карточкалар бир вақтнинг ўзида икки ёки бир неча банкда очилган ҳолда буюртмачилар ҳазначилик бўлинмасига тегишли миқдорда тўлов топшириқномалари тақдим қилади.

152. Ходимларининг иш ҳақи суммаларини пластик карточкаларга ўтказиш учун буюртмачилар хизмат кўрсатувчи банкка икки асл нусхада қоғоз ҳамда электрон кўринишда ходимлар рўйхатини тақдим қилади. Бунда:

ходимлар рўйхатида ходимларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, табель рақами, пластик карточкаларининг реквизитлари ҳамда ходимларга ўтказиб берилаётган суммалар кўрсатилади;

ходимлар рўйхатининг ҳар бир варағи ташкилот раҳбари, бош бухгалтери ва ходимлар бўлимининг масъул ходими ёки уни ўрнини босувчи ходим томонидан имзоланади, ташкилот ва ходимлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланади.

153. «UzASBO» ДМга уланган буюртмачилар ходимларининг иш ҳақи суммаларини пластик карточкаларга ўтказиш учун ходимлар рўйхатини электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда банкларга фақат электрон шаклда юборади.

154. Банклар буюртмачилар томонидан тақдим қилинган ходимлар рўйхатини синчковлик билан текширади ва хатолик ёки камчиликлар аниқланган ҳолларда хатолик ёки камчиликлар аниқланган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан, электрон шаклда юборилган ҳолларда эса шу куннинг ўзида хатолик ва камчиликларни тўғрилаш учун буюртмачиларга қайтаради.

155. Хизмат кўрсатувчи банклар ходимлар рўйхатининг иккинчи нусхасини маблағлар ўтказилганлигини тасдиқловчи штамп босган ҳолда буюртмачиларга ходимлар рўйхатида кўрсатилган маблағлар тўлиқ ўтказилган кундан кейинги кундан кечикмасдан беради.

156. Ходимларнинг пластик карточкаларига маблағларни ўтказилганлигини тасдиқловчи банк штамп босилган ходимлар рўйхати буюртмачиларнинг бухгалтериясида буюртмачиларнинг ўз ходимлари олдидаги иш ҳақи тўлаш бўйича мажбуриятлари бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат сифатида сақланади.

157. Ҳазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари буюртмачиларнинг шахсий ҳазна ҳисобварақларида операциялар амалга оширилиши бўйича шахсий ҳазна ҳисобварақлардан кўчирмалар беради ҳамда уларни мазкур Қоидаларнинг 16-иловасига мувофиқ шакл бўйича Шахсий ҳазна ҳисобва-

рақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журналида рўйхатдан ўтказлади. Буюртмачиларнинг масъул ходимлари Шахсий ғазна ҳисобварақлардан кўчирма олишда Шахсий ғазна ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журналига кўчирмани олганлиги тўғрисида тегишли белги қўяди.

Бунда Шахсий ғазна ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журнали ҳар бир буюртмачи бўйича алоҳида очилади ва юритилади. Буюртмачилар кўчирмаларни «UzASBO» ДМдан электрон тарзда олган ҳолларда Шахсий ғазна ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журнали юритилмайди.

2-§. III гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш ҳамда харажатлар тўлови

158. III гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар капитал қўйилма буюртмачилари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг (пудратчиларнинг) ишлар бажарилганлигини (товарлар етказиб берилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобварақ-фактура ўрнини босувчи ҳужжатлар (бундан буён матнда ҳисобварақ-фактура деб юритилади) асосида қабул қилинади.

159. III гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар ғазначилик бўлинмалари томонидан ҳисобварақ-фактуралар ҳамда молиявий мажбуриятлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида юридик мажбуриятлар ва харажатларни тўлаш учун рухсатнома доирасида рўйхатдан ўтказилади ва ҳисобга олинади.

160. Капитал қўйилма буюртмачилари товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилардан (пудратчилардан) ишлар бажарилганлигини (товарлар етказиб берилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар олганларидан сўнг ўн иш кунидан кечикмасдан рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун уларнинг асли ва нусхасини мазкур Қоидаларнинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги икки асл нусхада Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма билан бирга тегишли ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилиши лозим.

Ўн иш кунидан кечикиб тақдим қилинган ҳисобварақ-фактуралар капитал қўйилма буюртмачиларининг кечикиш сабаби кўрсатилган, капитал қўйилма буюртмачисининг раҳбари ва бош бухгалтери имзолаган ёзма тунтириши асосида рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади.

161. Ғазначилик бўлинмалари капитал қўйилма буюртмачилари томонидан тақдим қилинган Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма ва ишлар бажарилганлигини (товарлар етказиб берилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар асосида улар тақдим қилинганидан кейинги кундан кечикмасдан молиявий мажбуриятларни:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва БМЖ маблағлари бўйича —

масъул ходим томонидан Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг икки аслига рўйхатдан ўтказиш рақами ва санасини кўрсатиб «Рўйхатдан ўтказилди» штампи ва шахсий имзосини қўйиш ҳамда ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси томонидан шахсий имзоси ва «Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш» муҳрини қўйиш йўли билан рўйхатдан ўтказди;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — масъул ходим томонидан Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг икки аслига ҳисобга олиш рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ҳисобга олинди» штампи ва шахсий имзосини қўйиш ҳамда ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси томонидан шахсий имзосини қўйиш йўли билан ҳисобга олади.

162. Рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг бир асли ва ишлар бажарилганлигини (товарлар етказиб берилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактураларнинг асли капитал қўйилма буюртмачиларига қайтарилди, Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг иккинчи асли ва ишлар бажарилганлигини (товарлар етказиб берилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактураларнинг нусхаси ғазначилик бўлинмаларида сақлаш учун қолади.

163. Агар ҳисобварақ-фактуралар бўйича бажарилган ишлар ҳажми ишларни бажариш жадвалидан илгарилаб кетиш натижасида юзага келган ҳамда рўйхатдан ўтказиладиган ёки ҳисобга олинадиган молиявий мажбуриятлар тегишли йил учун режалаштирилган маблағлардан ошса, капитал қўйилма буюртмачилари ғазначилик бўлинмаларига мазкур Қоидаларнинг 160-бандида кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга бош бухгалтерлари томонидан имзоланган маълумотнома тақдим этади. Ушбу маълумотномада тегишли ҳисобварақ-фактура реквизитлари ҳамда смета доирасида жорий йил учун қабул қилиниши лозим бўлган молиявий мажбурият суммаси кўрсатилади. Бунда молиявий мажбуриятлар ғазначилик бўлинмалари томонидан капитал қўйилма буюртмачиларининг маълумотномасида кўрсатилган сумма доирасида рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади.

164. Капитал қўйилма буюртмачиларининг «UzASBO» ДМ орқали электрон шаклда ғазначилик бўлинмаларига юборилган тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари ғазначилик бўлинмалари томонидан бир иш куни ичида масъул ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда капитал қўйилма буюртмачиларига қайтарилди.

165. «UzASBO» ДМга уланмаган капитал қўйилма буюртмачилари тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини ғазначилик бўлинмаларига қоғоз шаклда тақдим қилади ва уларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олишда ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари мазкур Қоидаларнинг 167 — 171-бандларига мувофиқ иш юритади.

166. Капитал қўйилма буюртмачиларининг харажатлар тўлови қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

тўлов хужжатида шахсий ғазна ҳисобварағи рақами, капитал қўйилма буюртмачисининг номи ва СТИРи, бюджет таснифининг тегишли кодлари, юридик мажбурият юзага келишига асос бўлган хужжат ва ҳисобварақ-фактура рақами ва санаси, аванс (тўлов) миқдори ва тўлов мақсади тўғри кўрсатилганида;

қурилишларнинг тасдиқланган манзилли ва титул рўйхатлари асосида ва тегишли объектлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлардаги мавжуд ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари қолдиғи доирасида;

агар тўлов топшириқномасида ёки ғазна мемориал ордерида кўрсатилган сумма ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган юридик мажбуриятга асосан олдин ўтказилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда тўланиши лозим бўлган пул маблағларидан ошмаса;

ҳисобварақ-фактуралар, капитал қўйилма буюртмачисининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларга (пудратчиларга) олдидаги қарздорлигини тасдиқловчи солиштириш далолатномаси, шунингдек аванс тўловларини ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда;

тўлов топшириқномасида ёки ғазна мемориал ордерида товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчининг (пудратчининг) номи ва реквизитлари юридик ва молиявий мажбуриятлар юзага келганлигини тасдиқловчи хужжатларда кўрсатилган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчининг (пудратчининг) номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганида.

167. Тўлов топшириқномалари ғазначилик бўлинмаларига уч нусхада тақдим қилинади. Капитал қўйилма буюртмачиларининг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномаларининг биринчи нусхаси капитал қўйилма буюртмачиларининг ғазначилик бўлинмаларига шахсий ғазна ҳисобварағи бўйича касса харажатларини амалга ошириш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномаларининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахслари томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан тасдиқланади ва ЯФХдан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Тўлов топшириқномаларининг учинчи нусхаси ғазначилик бўлинмаларининг «ТЎЛАНДИ» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган ҳолда шахсий ғазна ҳисобварағидан кўчирма билан бирга капитал қўйилма буюртмачиларининг масъул ходимларига қайтарилади.

Бунда тўлов топшириқномаларининг «Маблағларни тўловчининг номи» устунида ғазначилик бўлинмасининг номи, «Маблағларни тўловчининг ҳисобварағи» устунида — ЯФХ, «Тўлов мақсади» устунида — капитал қўйилма буюртмачисининг шахсий ғазна ҳисобварақ рақами, СТИРи ва номи, бюджет таснифининг тегишли кодлари, тўловни ўтказишга асос бўладиган юридик ва молиявий мажбурият юзага келганлигини тасдиқловчи хужжат, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

168. Капитал қўйилма буюртмачилари томонидан тақдим қилинган тўлов топшириқномалари мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлганда, ғазна-

чилик бўлинмаларининг масъул ходимлари тўлов топшириқномаларининг иккинчи нусхасига «ТЕКШИРИЛДИ» белгисини, тўлов топшириқномалари қабул қилинган санани ва ўзининг имзосини қўяди. Тўлов топшириқномалар мазкур Қоидалар талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари тўлов топшириқномаларининг орқа томонида қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни капитал қўйилма буюртмачиларининг масъул ходимларига қайтаради. Тўлов топшириқномаларининг иккинчи нусхасини фазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахслари имзолари ва фазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

169. Бир шахсий фазна ҳисобварағидан бошқа шахсий фазна ҳисобварағига маблағлар ўтказиш учун капитал қўйилма буюртмачилари томонидан фазначилик бўлинмаларига уч нусхада фазначилик мемориал ордерлари тақдим қилинади. Капитал қўйилма буюртмачиларининг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган фазначилик мемориал ордерларининг биринчи нусхаси фазначилик бўлинмаларига капитал қўйилма буюртмачиларининг фазначилик бўлинмаларига шахсий фазна ҳисобварағи бўйича касса харажатларини амалга ошириш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Фазначилик мемориал ордерларининг иккинчи нусхаси фазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахслари томонидан имзоланади, фазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан тасдиқланади ва капитал қўйилма буюртмачиларининг шахсий фазна ҳисобварақларидан маблағларни ўтказиш учун асос бўлади. Фазначилик бўлинмаларининг «ТЎЛАНДИ» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган фазначилик мемориал ордерларининг учинчи нусхаси шахсий фазна ҳисобварақлардан кўчирма билан биргаликда капитал қўйилма буюртмачиларининг масъул ходимларига қайтарилади.

Бунда фазначилик мемориал ордерларининг «Тўлов мақсади» устунда Тўлов турлари бўйича маълумотномага асосан тегишли тўлов коди, капитал қўйилма буюртмачиларининг шахсий фазна ҳисобварағи рақами, СТИРи ва номи, бюджет таснифининг тегишли кодлари, тўловни ўтказишга асос бўладиган ҳужжат, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

170. Капитал қўйилма буюртмачилари томонидан тақдим қилинган фазначилик мемориал ордерлари мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлганда фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари фазначилик мемориал ордерларининг иккинчи нусхасига «ТЕКШИРИЛДИ» белгисини, фазначилик мемориал ордери қабул қилинган санани ва ўзининг имзосини қўяди. Фазначилик мемориал ордерлари мазкур Қоидалар талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари фазначилик мемориал ордерларининг орқа томонида қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда уни капитал қўйилма буюртмачиларининг масъул ходимларига қайтаради. Фазначилик мемориал ордерларининг иккинчи нусхасини фазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахсларининг имзолари ва фазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

171. Маблағларни бир шахсий ғазна ҳисобварағидан бошқасига ўтказишда ғазначилик мемориал ордерларига маблағларни ўтказишга асос бўлувчи юридик ва молиявий мажбуриятлар юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинади.

172. Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган юридик мажбуриятларда назарда тутилган, белгиланган тартибда ҳар бир ҳисобварақ-фактурадан чегириб қолиндиган, кафолат муддати тамом бўлганидан сўнг тўланадиган кафолат суммаси тўғрисидаги маълумот «ЎРМВ» АТга киритилмайди.

173. Кафолат муддати тугаганидан сўнг тўланадиган объект қийматидан 5 фоиз кафолат суммасини тўлаш бўйича молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисобварақ-фактура ва капитал қўйилма буюртмачиси ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи (пудратчи) ўртасида тузиладиган солиштириш далолатномаси асосида амалга оширилади.

174. Ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари капитал қўйилма буюртмачиларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида операциялар амалга оширилиши бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлардан кўчирмалар беради ҳамда уларни Шахсий ғазна ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журналида рўйхатдан ўтказди. Шахсий ғазна ҳисобварақлардан кўчирма олишда капитал қўйилма буюртмачиларининг масъул ходимлари журналга кўчирмани олганлиги тўғрисида тегишли белги қўяди.

Бунда ғазначилик бўлинмаларида Шахсий ғазна ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журнали ҳар бир капитал қўйилма буюртмачиси бўйича алоҳида очилади ва юритилади.

Капитал қўйилма буюртмачилари кўчирмаларни «UzASBO» ДМдан электрон тарзда олган ҳолларда Шахсий ғазна ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журнали юритилмайди.

3-§. IV гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш ҳамда харажатлар тўлови

175. IV гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар буюртмачилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг (пудратчиларнинг) товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралари асосида қабул қилинади.

176. IV гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар ғазначилик бўлинмалари томонидан ҳисобварақ-фактуралар ҳамда молиявий мажбуриятлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида юридик мажбуриятлар ва харажатларни тўлаш учун рухсатнома доирасида рўйхатдан ўтказилади ва ҳисобга олинади.

177. Буюртмачилар товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилардан (пудратчилардан) товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар олганидан сўнг беш иш кунидан кечикмасдан уларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун уларни асли ва нусхасини икки асл нусхада Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма билан бирга тегишли фазначилик бўлинмаларига тақдим қилиши лозим.

Беш иш кунидан кечикиб тақдим қилинган ҳисобварақ-фактуралар буюртмачиларнинг кечикиш сабаби кўрсатилган, буюртмачининг раҳбари ва бош бухгалтери имзолаган ёзма тушунтириши асосида рўйхатдан ўтказилди ёки ҳисобга олинади.

178. Фазначилик бўлинмалари буюртмачилар томонидан тақдим қилинган Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма ва ҳисобварақ-фактуралар асосида улар тақдим қилинганидан кейинги кундан кечикмасдан молиявий мажбуриятларни:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва БМЖ маблағлари бўйича — масъул ходим томонидан Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг икки аслига рўйхатдан ўтказиш рақами ва санасини кўрсатиб «Рўйхатдан ўтказилди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш, шунингдек фазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси томонидан шахсий имзосини ва «Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш» муҳрини қўйиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — масъул ходим томонидан Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг икки аслига ҳисобга олиш рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ҳисобга олинди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш ҳамда ваколатли шахс томонидан шахсий имзосини қўйиш йўли билан ҳисобга олади.

179. Рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг бир асли ва товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактураларнинг асли буюртмачиларга қайтарилади, Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртманинг иккинчи асли ва товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактураларнинг нусхаси фазначилик бўлинмаларида сақлаш учун қолади.

180. Буюртмачиларнинг «UzASBO» ДМ орқали электрон шаклда фазначилик бўлинмаларига юборилган тўлов топшириқномалари ва фазна мемориал ордерлари фазначилик бўлинмалари томонидан бир иш кун ичида масъул ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда «ЎРМВ» АТда электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади ёки ҳисобга олинади, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда буюртмачиларга қайтарилади.

181. «UzASBO» ДМга уланмаган буюртмачилар тўлов топшириқнома-лари ва ғазна мемориал ордерларини ғазначилик бўлинмаларига қоғоз шаклда тақдим қилади ва уларни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олишда ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари мазкур Қоидаларнинг 183 — 187-бандларига мувофиқ иш юритади.

182. Буюртмачиларнинг харажатлар тўлови қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

тўлов ҳужжатида шахсий ғазна ҳисобварағи рақами, капитал қўйилма буюртмачисининг номи ва СТИРи, бюджет таснифининг тегишли кодлари, юридик мажбурият юзага келишига асос бўлган ҳужжат ва ҳисобварақ-фактура рақами ва санаси, аванс (тўлов) миқдори ва тўлов мақсади тўғри кўрсатилганида;

буюртмачиларнинг харажатлар сметасининг IV гуруҳи тегишли моддалари бўйича режали маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари қолдиқлари суммалари доирасида;

агар тўлов топшириқномасида ёки ғазна мемориал ордерида кўрсатилган сумма ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилган ёки ҳисобга олинган юридик мажбуриятга асосан олдин ўтказилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда тўланиши лозим бўлган пул маблағларидан ошмаса;

ҳисобварақ-фактуралар, буюртмачининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) олдидаги қарздорлигини тасдиқловчи солиштириш далолатномаси, шунингдек аванс тўловларини ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

тўлов топшириқномасида ёки ғазна мемориал ордерида товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчининг (пудратчининг) номи ва реквизитлари юридик ва молиявий мажбуриятлар юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчининг (пудратчининг) номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганида.

183. Тўлов топшириқномалари ғазначилик бўлинмаларига уч нусхада тақдим қилинади. Буюртмачиларнинг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномаларининг биринчи нусхаси, буюртмачиларнинг ғазначилик бўлинмаларига шахсий ғазна ҳисобварағи бўйича касса харажатларини амалга ошириш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномаларининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахслари томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан тасдиқланади ва ЯФХдан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Ғазначилик бўлинмаларининг «ТЎЛАНДИ» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган тўлов топшириқномаларининг учинчи нусхаси шахсий ғазна ҳисобварағидан кўчирма билан бирга буюртмачиларнинг масъул ходимларига қайтарилади.

Бунда тўлов топшириқномаларининг «Маблағларни тўловчининг номи» устунида ғазначилик бўлинмасининг номи, «Маблағларни тўловчининг ҳисобварағи» устунида — ЯФХ, «Тўлов мақсади» устунида — буюртмачининг

шахсий ғазна ҳисобварағи рақами, СТИРи ва номи, бюджет таснифининг тегишли кодлари, тўловни ўтказишга асос бўладиган юридик ва молиявий мажбурият юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

184. Буюртмачилар томонидан тақдим қилинган тўлов топшириқнома-лари мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлганда, ғазначилик бўлинма-ларининг масъул ходимлари тўлов топшириқномаларининг иккинчи нусха-сига «ТЕКШИРИЛДИ» белгисини, тўлов топшириқномалари қабул қилин-ган санани ва ўзининг имзосини қўяди. Тўлов топшириқномалар мазкур Қоидалар талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда ғазначилик бўлинмала-рининг масъул ходимлари тўлов топшириқномаларининг орқа томонида қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни буюртмачиларнинг масъул ходимларига қайтардилар. Тўлов топшириқномаларининг иккинчи нусха-сини ғазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахслари имзола-ри ва ғазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан расмийлаштириш тек-ширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

185. Бир шахсий ғазна ҳисобварағидан бошқа шахсий ғазна ҳисобва-рағига маблағлар ўтказиш учун буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлин-маларига уч нусхада ғазначилик мемориал ордерлари тақдим қилинади. Буюртмачиларнинг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган ғазначилик мемориал ордерларининг бирин-чи нусхаси, ғазначилик бўлинмаларига буюртмачиларнинг ғазначилик бўлинмаларига шахсий ғазна ҳисобварағи бўйича касса харажатларини амалга ошириш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Ғазначилик мемо-риал ордерларининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмаларининг вако-латли ва масъул шахслари томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмала-рининг муҳр изи билан тасдиқланади ва буюртмачиларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларидан маблағларни ўтказиш учун асос бўлади. Ғазначилик бўлинмаларининг «ТЎЛАНДИ» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган ғазначилик мемориал ордерларининг учинчи нусхаси шахсий ғазна ҳисоб-варақлардан кўчирма билан биргаликда буюртмачиларнинг масъул ходим-ларига қайтарилади.

Бунда ғазначилик мемориал ордерларининг «Тўлов мақсади» устунда Тўлов турлари бўйича маълумотномага асосан тегишли тўлов коди, буюрт-мачиларнинг шахсий ғазна ҳисобварағи рақами, СТИРи ва номи, бюджет таснифининг тегишли кодлари, тўловни ўтказишга асос бўладиган ҳужжат, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

186. Буюртмачилар томонидан тақдим қилинган ғазначилик мемориал ордерлари мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлганда ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари ғазначилик мемориал ордерларининг иккинчи нусхасига «ТЕКШИРИЛДИ» белгисини, ғазначилик мемориал ор-дери қабул қилинган санани ва ўзининг имзосини қўяди. Ғазначилик мемо-риал ордерлари мазкур Қоидалар талабларига номувофиқ бўлган ҳол-ларда ғазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари ғазначилик мемо-риал ордерларининг орқа томонида қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда

уни буюртмачиларнинг масъул ходимларига қайтаради. Ҳазначилик мемориал ордерларининг иккинчи нусхасини ҳазначилик бўлинмаларининг ваколатли ва масъул шахсларининг имзолари ва ҳазначилик бўлинмаларининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

187. Маблағларни бир шахсий ҳазна ҳисобварағидан бошқасига ўтказишда ҳазначилик мемориал ордерларига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

иқтисод қилинган бюджет маблағларини ўтказишда — мазкур Қоидаларнинг 225-бандида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар;

ҳисобварақ-фактуралар ёки буюртмачининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) олдидаги қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар.

188. Бюджет ташкилотларининг шахсий ҳазна ҳисобварақларида чорак (йил) охирида қолган, иқтисод қилинган бюджет маблағлари (капитал қўйилмалар бўйича тўловлар учун назарда тутилган маблағлардан ташқари) Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ва Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва сарфланади. Йил охирида шахсий ҳазна ҳисобварақларда қолган иқтисод қилинган бюджет маблағларини Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ва Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши молия йилига қўшимча давр мобайнида амалга оширилади.

189. Харажатлар сметасининг тегишли моддасида назарда тутилган режали ажратилган бюджет маблағлари белгиланган муддатларда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига шартномалар тузилмасдан Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртма ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳазначилик мемориал ордери асосида ўтказилади.

190. Ҳазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари буюртмачиларнинг шахсий ҳазна ҳисобварақларида операциялар амалга оширилиши бўйича шахсий ҳазна ҳисобварақлардан кўчирмалар беради ҳамда уларни Шахсий ҳазна ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журналида рўйхатдан ўтказишдади. Буюртмачиларнинг масъул ходимлари Шахсий ҳазна ҳисобварақлардан кўчирма олишда журналга кўчирмани олганлиги тўғрисида тегишли белги қўяди.

Бунда ҳазначилик бўлинмаларида Шахсий ҳазна ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журнали хар бир буюртмачи бўйича алоҳида очилади ва юритилади.

Буюртмачилар кўчирмаларни «UzASBO» ДМдан электрон тарзда олган ҳолларда Шахсий ҳазна ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатдан ўтказиш журнали юритилмайди.

**9-боб. Буюртмачиларнинг ЯФХга маблағ ундириш
бўйича инкассо топшириқномалари ва тўлов
талабномаларини ижро этиш**

191. Буюртмачиларнинг инкассо топшириқномалари ва тўлов талабно-малари Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида-ги низом (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) талаблари доирасида рас-мийлаштирилади ва фазначилик бўлинмасига тақдим этилади.

Бунда инкассо топшириқномаси ва тўлов талабномасининг «Маблағларни олувчининг номи» устунида «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги», «Маблағларни олувчининг ҳисобварағи» устунида — ЯФХ, «Тўлов мақсадида» устунида — тўлов коди, буюртмачининг тегишли шах-сий фазна ҳисобварағи ҳамда инкассо топшириқномасини ёки тўлов талаб-номасини қўйиш учун асос бўлган ҳужжатлар реквизити кўрсатилади.

192. Буюртмачилар томонидан инкассо топшириқномаси тегишли ҳуж-жатлар билан биргаликда хизмат кўрсатувчи фазначилик бўлинмаларига қўйиладигича тақдим этилади:

тўловчига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса-марказида хизмат кўрсатилганида беш нусхада. Бунда буюртмачининг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси буюртмачининг фазначилик бўлинмасига инкассо топши-риқномасини қўйиш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Инкассо топ-шириқномасининг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи нусхалари фазна-чилиқ бўлинмасининг ваколатли ва масъул ходими томонидан имзоланади, фазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса-марказига тақдим этилади. Инкассо топшириқномасининг бешин-чи нусхаси қабул қилинган сана кўрсатилиб, ЯФХга хизмат кўрсатувчи банк бухгалтери имзоси ва мазкур бухгалтерга бириктирилган муҳр билан тас-диқланган ҳолда фазначилик бўлинмасига қайтарилади;

бир ҳудуд ичида ҳисоб-китобларни амалга оширишда (фазначилик бўлин-маси тўловчига хизмат кўрсатувчи банк билан битта ҳудудда (шаҳар ёки туманда) жойлашган бўлса) тўрт нусхада. Бунда буюртмачининг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқлан-ган инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси буюртмачининг фазна-чилиқ бўлинмасига инкассо топшириқномасини қўйиш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Инкассо топшириқномасининг иккинчи, учинчи ва тўртин-чи нусхалари фазначилик бўлинмасининг ваколатли ва масъул ходими то-монидан имзоланади, фазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқла-нади ҳамда бевосита тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади. Инкассо топшириқномасининг тўртинчи нусхаси қабул қилинган сана кўрса-тилиб, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк бухгалтери имзоси ва мазкур бухгалтерга бириктирилган муҳр билан тасдиқланган ҳолда фазначилик бўлин-масига қайтарилади;

худудлараро ҳисоб-китобларни амалга оширишда (ғазначилик бўлинмаси тўловчига хизмат кўрсатувчи банк билан турли худудда (шаҳар ёки туманда) жойлашган бўлса) тўрт нусхада. Бунда буюртмачининг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси буюртмачининг ғазначилик бўлинмасига инкассо топшириқномасини қўйиш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Инкассо топшириқномасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи нусхалари ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ва масъул ходими томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ҳамда бевосита тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади. Инкассо топшириқномасининг тўртинчи нусхаси қабул қилинган сана кўрсатилиб, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк бухгалтери имзоси ва мазкур бухгалтерга бириктирилган муҳр билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмасига қайтарилади.

193. Буюртмачилар томонидан тўлов талабномаси тегишли хужжатлар билан биргаликда хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлинмаларига қўйидагича тақдим этилади:

тўловчига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса-марказида хизмат кўрсатилганида тўрт нусхада. Бунда буюртмачининг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов талабномасининг биринчи нусхаси буюртмачининг ғазначилик бўлинмасига тўлов талабномасини қўйиш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Тўлов талабномасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи нусхалари ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ва масъул ходими томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса-марказига тақдим этилади. Тўлов талабномасининг тўртинчи нусхаси қабул қилинган сана кўрсатилиб, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк бухгалтери имзоси ва мазкур бухгалтерга бириктирилган муҳр билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмасига қайтарилади.

олувчи ва тўловчига турли банкларда хизмат кўрсатилганида тўрт нусхада. Бунда буюртмачининг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов талабномасининг биринчи нусхаси буюртмачининг ғазначилик бўлинмасига тўлов талабномасини қўйиш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Тўлов талабномасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи нусхалари ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ва масъул ходими томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ҳамда бевосита тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади. Тўлов талабномасининг тўртинчи нусхаси қабул қилинган сана кўрсатилиб, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк бухгалтери имзоси ва мазкур бухгалтерга бириктирилган муҳр билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмасига қайтарилади.

194. Ғазначилик бўлинмаси томонидан инкассо топшириқномаси ва тўлов талабномаси «Банк-мижоз» дастурий мажмуидан фойдаланган ҳолда электрон тарзда ижро этилганида буюртмачи томонидан инкассо топшириқномаси ва тўлов талабномаси икки нусхада тақдим қилинади.

Бунда буюртмачининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган инкассо топшириқномаси ва тўлов талабномасининг биринчи нусхаси буюртмачининг фазначилик бўлинмасига инкассо топшириқномасини ва тўлов талабномасини қўйиш учун топшириғи бўлиб хизмат қилади. Иккинчи нусхаси буюртмачининг шахсий фазна ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда буюртмачининг масъул ходимига берилади.

10-боб. Ундирувни Давлат бюджети маблағларига қаратишни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини ижро этиш бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва тўловларни амалга ошириш

195. Ижро ҳужжатида фойдасига давлат бюджети маблағлари ўтказилиши назарда тутилган шахслар ёхуд уларнинг вакилларининг молия органларига муурожаатини молия органлари томонидан кўриб чиқиш ва ижро ҳужжатининг ижроси юзасидан тегишли чораларни кўриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 майдаги 120-сон қарори билан тасдиқланган Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қаратиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ (бундан буён матнда Низом деб юритилади) амалга оширилади.

196. Молия органлари ижро ҳужжатини Низомга мувофиқ кўриб чиққанларидан сўнг агар ижро ҳужжатини ижро этмасдан қайтаришга асослар бўлмаса, ариза келиб тушган кундан бошлаб 27 кун ичида:

пул маблағлари ундирувчининг банк ҳисобварағига ўтказиб бериладиган тегишли шахсий фазна ҳисобварағини очади;

фазначилик бўлинмаларига тегишли бюджетдан маблағларни ундириш учун икки асл нусхада Тўловлар жадвали ва Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмани, шунингдек ижро ҳужжати бўйича тўловларни амалга ошириш учун мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ расмийлаштирилган тўлов топшириқномасини, ундирувчининг аризасини ва унга илова қилинган ижро ҳужжатининг аслини тақдим этади. Агар ижро варақаси ёки суд буйруғи судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилган бўлса, унинг асл нусхасини илова қилиш талаб этилмайди.

197. Фазначилик бўлинмаларининг масъул ходимлари Тўловлар жадвали ва Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишга (ҳисобга олишга) буюртмани қабул қилиб олганларидан сўнг Тўловлар жадвалининг икки аслига имзо қўяди, Тўловлар жадвалининг ва ЮММР буюртмасининг биринчи асли ижро ҳужжати ижро этилганидан сўнг қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда тегишли молия органига қайтарилади, иккинчи асли эса фазначилик бўлинмаларида ҳисобини юритиш ва сақлаш учун қолади. Бунда фазначилик бўлинмалари ижро этилган ижро ҳужжатлари ҳисобини «ЎРМВ» АТда электрон кўринишда мазкур Қоидаларнинг 18-иловасидаги шакл бўйича Ижро ҳужжатлари ва суд ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш журналида юритади.

198. Ҳазначилик бўлинмалари ҳужжатларни олган кундан бошлаб уч кун муддатда уларни кўриб чиқади ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлганида юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишни амалга оширади ва ижро ҳужжати ижросини таъминлайди.

